

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УСМАНОВ АЛИШЕР

**ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК
ҚИШЛОҒИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР
(1921-1929 йиллар)**

Мутахассислик: 5А 220221 – «Ўзбекистон тарихи»

Ватан тарихи магистри даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Андижон-2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-боб. ЎЗБЕК ҚИШЛОҒИДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

- 1.1. Янги иқтисодий сиёсат ва унинг ўзбек қишлоғидаги зиддиятлари**
- 1.2. Янги иқтисодий сиёсат шароитида деҳқонларнинг ижтимоий
табақалашуви**

2-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

- 2.1. Деҳқончиликда ердан фойдаланиш формалари**
- 2.2. Деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқарувчи кучлари**

3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КООПЕРАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ НАТИЖАЛАРИ

- 3.1. Қишлоқ хўжалик кооперацияси ва унинг қишлоқ ижтимоий ҳаётида
тутган ўрни.**
- 3.2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиши**
- 3.3. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар**

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин маъмурий, молиявий хўжалик ишлаб чиқариш тизимини ўз қўлига олиб, мустақил давлат тақдирини ўзи белгилаш ва истикбол режаларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди. Мустақилликдан кейинги ўтган йиллар давомида республикада иқтисодий соҳада кенг қўламли ислохотлар бошланиб, бу ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бера бошлади.

Ўзбекистонда ислохотлар эндиgina бошланган 1992 йилдаёқ Президент Ислон Каримов Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар барқарорлик вазиятида ўтиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам, Президентимиз «ҳукумат сиёсати хусусийлаштириш ва рақобат вазиятини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштиришга, макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга, иқтисодий тизимда чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга, кучли ижтимоий кафолатлар берадиган ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга қаратилган»,¹ деб уқтириб ўтган эди.

Мамлакатда туб ислохотларни амалга оширишда аграр соҳадаги ислохотлар муҳим ўрин тутати. Чунки, республикаимизнинг асосий аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилади ва қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг асосий ўзагини ташкил этади. Шунинг учун ҳам И.Каримов Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 декабрда бўлиб ўтган IV сессиясида шундай деган эди: **“Мен бир ҳақиқатни айтиб чарчамасам керак. Бунинг мазмунини шуки, қишлоқда туб ислохотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир”**².

Ўзбекистонда кенг қўламли иқтисодий ислохотларни амалга оширишда тарих сабоқларидан, яқин ўтмишимиз тажрибаларидан хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти бўйича тўпланган тарихий тажрибани англаб олиш эҳтиёжи туғилади. Шу муносабат билан совет ҳокимияти йилларида XX асрнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши ва бу жараёнда бозор муносабатлари илк куртақларининг шаклланиши, ривожланиши ҳамда бу борада тўпланган тажрибалар тарихи катта қизиқиш уйғотади. Янги иқтисодий сиёсат даврида давлат томонидан бошқариладиган ва назорат қилинадиган бозор механизми яратилгани туфайли ҳам, 1920 йиллар тарихий тажрибасини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Туркистондаги, кейинчалик Ўзбекистондаги янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши ва ривожланиш жараёнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тикланиши ва ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу ўринда тараққиётнинг муҳим омилларидан бири саналган қишлоқ хўжалик кооперацияси муҳим ўрин тутати. Қишлоқ хўжалик кооперациялари ўз даврида тамоман издан чиққан қишлоқ хўжалик иқтисодиётини тиклашга ва уни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Янги иқтисодий сиёсат даврида, яъни асосан, 1922-1929 йилларда Ўзбекистонда ҳам бозор муносабатлари қарор топиб, қишлоқда хусусий мулкчилик ривожланди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада ўсди. Қисқача айтганда, қишлоқлар фаровонлашиб, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланди.

Лекин, бутун мамлакатда 1929 йил охирларидан қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати бошлангач, аграр соҳада ҳам хусусий мулкчилик бекор қилинди, ўзининг ижобий самараларини бераётган янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиб, у ёппасига коллективлаштириш билан алмаштирилди. Янги иқтисодий сиёсат давридаги муваффақиятлар ҳам ёппасига коллективлаштиришни кенг омма ўртасида тарғиб этиш нуктаи назаридан инкор этилди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 23.

² “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил 30 декабрь.

Бугунги кунда республикамизда бозор муносабатларини ривожлантириш борасида ислохотлар олиб борилаётган даврда XX асрнинг 20 - йилларида амалда бўлган янги иқтисодий сиёсат ва унинг самаралари тарихини ўрганиш унинг ютуқлари, муаммо ва камчиликларини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яқин ўтмишимиздаги тажриба ва сабоқлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган аграр ислохотларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Собик совет мамлакатида ўтган асрнинг 20-йиллари бошида жорий этилган янги иқтисодий сиёсат, унинг моҳияти ва ундан кўзланган асосий мақсадлари масалалари даставвал йирик иқтисодчиларнинг назарий тадқиқотларида ўз аксини топган. Бундай аграр-иқтисодчилар жумласига А.Ф.Фортунатов, С.К.Алексеев, К.А.Мацевич, В.М.Сазонов, Н.А.Коблуков, А.В.Чаянов ва бошқаларни киритиш мумкин. Айнан улар янги иқтисодий сиёсатнинг аграр соҳадаги ташкилий - ишлаб чиқариш йўналишларини назарий жиҳатдан таҳлил қилганлар. Улар ичида А.В.Чаянов ва В.Д. Бруцкуслар қишлоқ хўжалик кооперативларининг ташкил этилиши, уларнинг функцияларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш масаласи билан шуғулланганлар. 1920 йилларнинг бошида А.В.Чаянов ва В.Д.Бруцкусларнинг ушбу муаммога бағишланган мақолалари эълон қилинган¹.

Янги иқтисодий сиёсат шароитида қишлоқ хўжалик кооперацияларининг ташкил этилиши, уларнинг суръат билан ривожланиши ва унинг дастлабки муваффақият ва ютуқлари ўша давр даврий матбуотида ҳам узлуксиз эълон қилиб борилган. Шу билан бирга даврий матбуот саҳифаларида давлат ва партия арбобларининг қишлоқдаги аграр ўзгаришлар, кооперация қурилиши ва унинг ихтисослашган тармоқларидаги ютуқларини умумлаштирувчи нутқ ва мақолалар ҳам эълон қилинган².

СССРда янги иқтисодий сиёсат даври ютуқлари масалалари 1950 йилларга қадар тарихшуносликда алоҳида бир муаммо сифатида тадқиқ этилмади. Бунинг асосий сабаби шуки, янги иқтисодий сиёсат ва бу йиллардаги ривожланиш жараёнлари қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш натижасида ўз аҳамиятини йўқотганлиги учун унинг қисқа даврда бўлса ҳам эришган ютуқларини таҳлил қилиш коллективлаштириш сиёсатига соя солиб қўяр эди. Бунга эса табиийки, ҳукмрон коммунистик мафкура йўл қўймас эди. Тўғри, бу даврда янги иқтисодий сиёсат йилларидаги иқтисодий ўсишлар таҳлили қаторида айрим иқтисодчилар қишлоқ хўжалик кооперативлари ва унинг иқтисодий соҳадаги ютуқларини қисман таҳлил қилганлар. Шу билан бир қаторда 1920 йилларнинг охири ва 1930 йиллардаги аграр ўзгартиришлар ва қишлоқ хўжалик кооперациялари фаолиятини умумлаштирувчи статистик тўпламлар ҳам нашр этилди³. Бу тўпламларда бутун мамлакатдаги қишлоқ хўжалик кооперациялари ва унинг турли соҳаларга ихтисослашган кўринишлари миқдори, уларга аъзо бўлган хўжаликлар миқдори ҳамда кооперативлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар миқдори бўйича кўрсаткичлар бутун иттифок бўйича жамланган ва умумлаштирилган.

1950 йиллардан эътиборан, совет давлатида тарихнавислик коммунистик мафкурага тўла бўйсундирилган ҳолда ривожланди. Марксча-ленинча таълимот асосида

¹ Чаянов А.В. Бюджетные исследования. М.: 1929; Чаянов А.В. Организация крестьянского хозяйства. -М.: 1925; Бруцкус В.Д. Экономия сельского хозяйства. -Берлин, 1923; Бруцкус В.Д. Аграрный вопрос и аграрная политика. -Петербург, 1922.

² . Меерсон Г.Г. Семейно-трудовая теория и дифференциация крестьянства на заре товарного производства. // На аграрном фронте. -1925 .№4; Бухарин Н.И. О НЭПе и нашей задаче // Большевики 1925. №4, ва бошқалар.

³ На путях к обобществлению сельского хозяйства. - М.; Л.: 1925; Основные показатели потребительской кооперации СССР. - М.: 1929; Сельского хозяйство СССР, 1925-1928; Сб. стат. Свед. к XVI. Всесоюз. Парт-конф. - М.: 1929; Потребительская кооперация в народном хозяйства СССР. - М.: 1930; Потребительская кооперация за 10 лет Советской власти: Юбилейный сборник. - М.: 1927; Социалистическое строительство СССР: Статистический ежегодник. - М.: 1934; Сеть сельскохозяйственной кооперации СССР: Сборник стат. материалов. - М.: 1929. ва бошқалар.

шаклланган тарихшунослик концепцияси ҳам қарор топди. Шу йиллардан эътиборан совет давлатида совет деҳқонининг шаклланиши, совет ҳукуматининг аграр сиёсати ва амалиёти таҳлили доирасида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденциялари тарихи ҳам тадқиқ этила бошлади.

1950-1970 йилларда яратилган бир қатор аграр масалага бағишланган фундаментал тадқиқотларда янги иқтисодий сиёсат шароитида қишлоқларнинг ижтимоий ҳолати, кооперация қурилиши масалалари ҳам таҳлил қилинган¹. Бу йилларда мамлакат қишлоқларидаги кооперация тизими тармоқлари фаолиятини тадқиқ этувчи бир нечта алоҳида тадқиқотлар ҳам юзага келди².

Ўрта Осиё республикаларидаги, жумладан Ўзбекистондаги 1920 йиллардаги аграр ўзгаришлар, хусусан, миллий районлардаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам 1950-1970 йиллар тарихшунослигида ўз таҳлилини топди. Ўзбекистоннинг аграр тарихи бу йилларда бир қатор тарихчилар томонидан чуқур ўрганилди. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ёппасига коллективлаштиришга қадар бўлган тарихи ўзбек аграр тарихчилари бўлмиш Ғ.Ризаев, А.Ю.Ибрагимов, О.Б.Жамолов, Р.Х.Аминова, И.А.Алимов ва бошқалар томонидан яратилган монографик тадқиқотларда³ маълум даражада ўз аксини топган. Бу тадқиқотларда Ўзбекистондаги аграр ислохотлар, янги иқтисодий сиёсат ва унинг ўзбек қишлоғидаги натижалари, қишлоқ хўжалик кооперацияси қурилиши ва фаолиятининг айрим масалалари ёритиб ўтилган.

1980 йилларда аграр тарихшунослик янгидан-янги фундаментал асарлар билан бойитилди⁴. Бу асарларда совет иттифоқидаги аграр ўзгартиришлар, унинг моҳияти ва хусусиятлари анча чуқур илмий таҳлил қилинган. Бу асарларда янги иқтисодий сиёсат шароитида қишлоқ хўжалик кооперативлари фаолияти масаласи ҳам бой манбаларга асосланган ҳолда тадқиқ этилган. Лекин, юқорида санаб ўтилган асарларнинг барчаси коммунистик мафкура манфаати йўлида таҳлил қилинган. Жумладан, қишлоқ хўжалик кооперацияси тизимининг фақат ютуқлари таҳлил этилгани ҳолда, бу тизим фаолиятидаги зиддиятли жараёнлар, кооперативларнинг давлатлаштирилиши ва сиёсийлаштирилиши, уларнинг қишлоқ аҳолисига нисбатан айирмачилик нуқтаи назаридан ёрдам кўрсатиши масалаларига эътибор берилмаган ёки атайин таҳлил қилинмаган.

Мустабид совет тузуми кулаб, иттифоқ парчаланиб ҳукмрон коммунистик мафкура барбод бўлганидан кейингина ўтмиш тарихимизнинг барча мавзулари қатори Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ёппасига коллективлаштириш арафасидаги ижтимоий-

¹ Материалы по истории СССР. - М.: 1959; Данилов В.П. Советская доколхозная деревня: социальная структура, социальные отношения. - М.: 1969; Погудин В.И. Партия и кооперация. - М.: 1978; Трифонов И.Я. Классы и классовая борьба в СССР в начале НЭПа, 1921-1923. -Л.: 1964; Яковцевский В.Н. Аграрные отношения в СССР в период строительства социализма. - М.: 1964.

² Булатов И.Г. Кооперация и ее роль в подготовке сплошной коллективизации. - М.: 1960; Голиков В.А. Важнейший этап развития сельскохозяйственной кооперации в СССР, 1921-1929. - М.: 1963; Морозов Л.Ф. От кооперации буржуазной к кооперации социалистической: из истории становления советской кооперации. - М.: 1969; ва бошқалар.

³ Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистане за 40 лет. -Т.: Госиздат УзССР, 1957; Ўша муаллиф. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.), - Т.: "Узбекистан", 1967; Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане - Т.: Госиздат УзССР, 1950; Ибрагимов А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.) - Т.: «Фан», 1969; Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. (1917-1920 гг.) – Ташкент: 1963; Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: 1965; Саидалиев СС. Борьба за осуществления ленинского кооперативного плана в Узбекистане. - Т.: Госиздат УзССР, 1958; Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937) - Т.: Госиздат УзССР, 1960., ва бошқалар.

⁴ Данилов В.П. Социально –экономические отношения в советской деревне накануне коллективизации. - М.: 1982; Трапазников С.П. Исторический опыт КПСС в социалистическом преобразовании сельского хозяйства. - М.: 1980; Ўша муаллиф. Исторический опыт КПСС в осуществлении ленинского кооперативного плана. - М.: 1984; Проблемы аграрной истории советского общества. - М.: 1985; История крестьянства СССР. История Советского крестьянства. В 5 томах. - М.: «Наука», 1986, ва бошқалар.

иқтисодий аҳволи тарихи ҳам ҳар тарафлама - барча ютуқ ва камчиликлари, муаммолари, зиддиятли жиҳатлари билан бирга ўрганила бошлади. Мустақилликдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг совет даври аграр тарихига доир бир қатор китоб ва монографиялар¹ яратилдики, уларда республикада аграр ислохотларнинг амалга оширилиши, ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ўзбек қишлоғида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши ва унинг натижалари, қишлоқ хўжалик кооперативларининг ташкил этилиши, улар фаолиятининг республикага хос хусусиятлари ҳамда ютуқ-камчиликлари маълум даражада таҳлил доирасига тортилган. Уларда биринчи бор бу йиллардаги аграр ўзгартиришларнинг зиддиятли хусусиятлари, ислохотлар жараёнидаги деҳқонларга нисбатан қўлланган “фавқуллодда чоралар”, ислохотларнинг салбий оқибатлари, қишлоқ хўжалигини ривожланишига тўсқинлик қилган омиллар ҳақида баҳс юритилган. Шунингдек, янги иқтисодий сиёсат даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахтачиликнинг кенг жорий этилиши – яъни пахта яккахокимлигининг қарор топтирилиши масаласи ҳам ҳаққоний талқин қилинган.

Бу масалалар янги иқтисодий сиёсатнинг Ўзбекистондаги тажрибасига бағишланган махсус, алоҳида тадқиқот ишларида эмас, балки, Ўзбекистоннинг совет даври аграр тарихининг умумий масалаларига бағишланган анча кенг қамровли тадқиқот асарларида ўрганиб ўтилган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги янги иқтисодий сиёсат ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, бу даврдаги аграр сиёсатнинг бутун мураккабликларини тўла-тўқис ёритувчи алоҳида тадқиқот асарлари ҳалигача яратилгани йўқ. Мустақиллик йилларида ушбу муаммо алоҳида, мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, биз ушбу магистрлик диссертациямизда Ўзбекистонда янги иқтисодий сиёсат йилларида (1921-1929) қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни алоҳида, яхлит мавзу сифатида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертацияси учун танланган мавзунинг долзарблиги ва муҳимлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда советлар ҳокимияти йилларида, яъни 1921-1929 йилларда жорий этилган янги иқтисодий сиёсат даврида қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ва аграр ўзгартиришларнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини манбалар ва мавзуга алоқадор илмий адабиётлар асосида ўрганиш, муаммони бугунги кун талаблари даражасида миллий истиклол мафкураси ҳамда миллий ғоя руҳида таҳлил қилишдан иборат мақсад белгиланди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

-Совет ҳокимиятининг илк йилларида Туркистон қишлоқ хўжалиги умумий аҳволини қисқача ёритиб ўтиш;

- Кооперация қурилишининг бошланиши ва унинг стратегияси, моҳиятини таҳлил қилиш, кооператив ҳаракатнинг Туркистон ўлкасида жорий этишнинг ўзига ҳос томонларини очиб бериш;

-Қишлоқ хўжалик кооперативларининг янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки йилларидаги фаолияти ва ютуқларини таҳлил қилиш;

-Янги иқтисодий сиёсат шароитида Ўзбекистонда кооператив ҳаракатнинг авж олиши, кооперациянинг қишлоқ хўжалигидаги ихтисослашган тармоқларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш;

-Қишлоқ хўжалик кооперативларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда тутган ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш;

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: Эволюция социального положения. 1917-1937 гг. -Т.: “Фан”, 1992; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: 1998; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоклаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. - Т.: “Шарқ”, 2001; Голованов А.А, Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX-первой трети XX вв. – Самарканд: 2007; Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. - Т.: “Ўзбекистон”, 1994; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т.: “Шарқ”, 2001. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. 1927-1924. - Т.: “Университет”, 2004.

-Ўзбекистон қишлоқ хўжалик кооперацияси тизимининг ўзбек қишлоқлари таракқиётидаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

-Қишлоқ хўжалик кооперациясининг барбод бўлиши ва унинг сабабларини таҳлил қилиш;

-Ўрганилган мавзу бўйича таҳлил қилинган масалалар, маълумотларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва назарий хулосалар чиқариш асосида ушбу мавзунини кенг ва ҳар тарафлама тадқиқ этиш юзасидан амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўрганилган мавзу тамоман янги, замонавий методология асосида тадқиқ қилинди. Диссертацияда миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурасининг устувор тамойилларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда янги иқтисодий сиёсат йилларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида магистрлик диссертацияси даражасида биринчи бор тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Магистрлик диссертацияси учун танланган мавзунинг даврий чегараси 1921-1929 йилларни ўз ичига олган. Маълумки, совет мамлакатларидаги янги иқтисодий сиёсат (НЭП) 1921 йилда жорий этилган. Бу сиёсат то 1929 йилгача амалда бўлиб, 1929 йил охирига келиб қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтилгач, янги иқтисодий сиёсат ўз аҳамиятини тамоман йўқотди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ушбу магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида жамланган илмий маълумотлар, назарий хулосалар ва умумлаштиришлар Ўзбекистондаги янги иқтисодий сиёсат ва унинг натижалари тарихини ҳолисона ўрганишга хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кунда республикада олиб борилаётган аграр ислохотларни янада чуқурлаштиришда, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва самарадорлигини оширишда ҳам диссертациянинг назарий хулосалари маълум маънода амалий аҳамият касб этади. Шу билан бирга магистрлик диссертациясида жамланган маълумотлардан таълимнинг турли босқичларида ўқув жараёнларида қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материалларидан ватанимиз тарихига оид дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг назарий-методологик асоси. Диссертацияда мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазибалари ғоявий асос қилиб олинди. Тадқиқот ишида илмий билишнинг ҳолислик, тарихийлик, ўзаро таҳлил, объективлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинди.

Диссертацияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилаётган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикрлар, дастурий-концептуал кўрсатмалар ҳам назарий-методологик асос вазибасини бажарди.

Диссертациянинг манба базаси. Диссертацияни тайёрлашда совет ҳокимияти йилларида нашр этилган бир қатор архив ҳужжатлари тўпламларидан¹ унумли фойдаланилди. Уларда ёппасига коллективлаштириш арафасида ўзбек қишлоқларидаги умумий ҳолатга доир бирламчи маълумотлар, Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик кооперативлари фаолиятини ёритувчи маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, ишда янги иқтисодий сиёсат йилларида совет давлатидаги кооперация тизими фаолияти

¹ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926гг.) Сборник документов. -Т.: АН УзССР, 1962; Подготовка условий сплошной коллективизации в Узбекистане (1927-1929 гг.) Сборник документов. -Т.: Изд. АН УзССР, 1961; Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления коммунистической партии и Советского правительства. 1927-1935. Изд. АН СССР. - М.: 1957, ва бошқалар.

натижаларини турли тармоқлар бўйича ёритувчи статистик йилнома ва тўпламлар материалларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг манба базасига кирувчи адабиётларнинг аксариятини советлар ҳокимияти йилларида нашр қилинган асарлар ташкил қилди. Бу асарлар танқидий нуқтаи назардан ўрганилди, статистик маълумотлар, жадваллар таққослаш, умумлаштириш асосида фойдаланилди. Бу асарлар коммунистик мафкура руҳида яратилганига қарамай бир қанча муҳим маълумотларни, советларнинг аграр сиёсатига боғлиқ бўлган кўпгина бирламчи архив ҳужжатларини ўзида жамлаган.

1-боб. ЎЗБЕК ҚИШЛОҒИДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

1.1. Янги иқтисодий сиёсат ва унинг ўзбек қишлоғидаги зиддиятлари

Совет мустабид давлат тузумининг дастлабки андозаси бу ҳокимиятнинг илк йилларида жорий этилган “ҳарбий коммунизм” сиёсати бўлиб, у ўзининг мутлақо яроқсизлигини кўрсатди. У эркин фикрлаш ва эркин меҳнатни, омманинг ташаббуси ва ижодини бўғиб қўйди. “Ҳарбий коммунизм” сиёсати амалга оширилиши натижасида ҳақиқатда большевиклар тасаввуридаги ҳарбийлашган жамият юзага келдики, унинг асосий белгилари бошқарувни мутлақ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, хўжалик юритишнинг мусодара усуллари, жазо чоралари билан меҳнатга мажбур қилиш, мавжуд бозор иқтисодиёти тизимини барбод қилиш, миллий ва инсонпарварлик кадриятларини марксча синфий кадриятлар билан зўравонларча алмаштиришдан иборат эди. Большевикларнинг ана шу ноилмий сиёсати ҳаётга жорий қилиниши оқибатида иқтисодиётнинг ҳалокатли инқироzi, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви юз бердики, натижада совет ҳокимиятининг яшаш ёки яшамаслиги гумон бўлиб қолди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати Туркистон Автоном Республикаси халқ хўжалигининг барча тармоқларини тушкунлик ҳолатига, айниқса, аграр соҳани ҳалокатли аҳволга олиб келди. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилги даражага нисбатан 1921 йилда 48,8 фоизга қискарди. Суғориш иншоотлари мисли қўрилмаган даражада барбод бўлди. Чорвачиликка жиддий зиён етди. Чорва моллари 1920 йилга нисбатан 3 баравардан зиёдроқ қискарди: 1915 йилда мавжуд бўлган 24 миллион бошдан фақат 8.112 минг бош мол сақланиб қолган эди¹. 1921 йилда эса бу жараён яна ҳам кучайди.

Деҳқон хўжаликлари ва ишга яроқли аҳолининг сони сезиларли равишда камайди. Хусусан, 1921 йилнинг бошларига келиб деҳқон хўжаликларининг сони 1915 йидагига нисбатан 15 фоиз, уларда ишловчи ишга яроқли эркакларнинг сони 36 фоиз қискарди². Бошқача айтганда, оилаларни учдан бир қисмидан кўпроғи боқувчисиз қолди.

“Социалистик жамиятни барпо этиш” вазифасини амалга оширишга янгича тактик ёндашувлар 1921 йил март ойида РКП(б)нинг X съездида расмий қабул қилинган янги иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини топди. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озик-овқат развёрсткасини озик-овқат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотиқни эркинлаштириш, саноатда, хизмат кўрсатиш ва майда ҳунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка руҳсат этиш, бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди³.

Совет давлатида фуқаролар уруши тугаганидан кейин, совет ҳокимияти олдида халқ хўжалигини тиклаш бўйича шошилиш вазифалар қўндаланг бўлди. 1921 йилнинг баҳорига келибгина сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, деҳқонларнинг кўплаб кўтарилишлари туфайли аввалги сиёсатни қайта кўриб чиқиш, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида таъсирчан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш зарурлиги тушунила бошланди. Янги сиёсатнинг моҳияти қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан деҳқонларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишдан иборат бўлди. Озик-овқат развёрсткасининг солиқ билан алмаштирилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кўпайтиришнинг иқтисодий рағбатларини вужудга келтиришда ягона тўғри ғоя эдики, бунда деҳқон

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Тузувчилар М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, – Б. 180.

² Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1920 гг.) – Т.: 1963. – С. 243.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 179.

ҳосилнинг қатъий белгиланган қисмини топширгач, унга ўз меҳнати маҳсулини ўзи истаганча тасарруф этиш ҳукуқи бериларди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг моҳиятини ҳамма ҳам тўғри тушунавермас эди. Фуқаролар урушидаги ғалаба большевикларда социализмга ўтиш даврининг “ҳарбий коммунизм”нинг ўша усуллари билан тез, штурм қилиб босиб ўтиш мумкин, деган қарашни юзага келтирган эди. Бундай кураш мисли қўрилмаган оммавий, халқ ташаббуси билан туғдирилган эди. Бироқ бундай қараш катта хато эди.

Туркистон АССР ҳукумати ва республика коммунистик партияси озиқ-овқат ва хомашё развёрсткасини натура солиғи билан алмаштириши, 1921-22 йиллар учун натура солиғи миқдори, эркин айирбошлашга руҳсат бериш ва бошқалар тўғрисида РКП(б) X съездининг қарорларига ҳамда БМИК ва РСФСР ХКСнинг декретларига амал қилиб, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш бўйича иш бошлади. Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш мамлакатнинг марказий районларидагига нисбатан секинроқ борди. Бунинг сабабларидан бири раҳбар ҳодимларнинг назарий жиҳатдан тайёргарлиги заифлиги эди.

Янги иқтисодий сиёсатни қонунан расмийлаштириш томон илк қадамлар қўйила бошланди. Туркистон Республикаси Советлари МИК 1921 йил 20 апрелда БМИКнинг 21 мартдаги қонунига тўла мувофиқ равишда озиқ-овқат, ем-ҳашак ва хомашё развёрсткасини натура солиғи билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди¹. 1921 йил май ойида Туркистон Республикаси ХКС бир қатор декретлар қабул қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча асосий турлари бўйича натура солиғи миқдорини белгилаб берди. Республика бўйича 1921-1922 йилларда ғалла солиғи 1920-1921 йиллардаги 22 миллион пуд развёрстка ўрнига 12,5 миллион пуд; гўшт солиғи 3380 минг пуд ўрнига 1650 минг пуд миқдорида белгиланди ва ҳоказо². 1921 йил 25 майда Туркистон Республикаси ХКС шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги товар айирбошлашнинг асосий аппарати бўлмиш матлубот кооперацияси тўғрисида декрет қабул қилди.

Янги иқтисодий сиёсатни фуқаролар тинчлигини сақлаш қоидаларига асосланган сиёсий режим сифатида баҳолаш ҳам мумкин эди. Социализмни давлат йўли билан зўрлаб тиқиштиришдан воз кечилиб, уни аста-секин ривожлантириш йўли танланди. Курашнинг инкилобий воситаларини мутлақлаштиришдан озиқ олган давлат ҳокимияти тўғрисидаги бузиб юборилган ғоя тугатила бошлади. Янги иқтисодий сиёсат негизида ижтимоий жараёнларни бошқарилишининг бўлакча услубларига ўтиш – озиқ-овқат солиғи ва бозор, товар-пул муносабатлари орқали бошқариш ётарди. Бу ғайри иқтисодий эзиш ва мажбурлашнинг “фавқуллодда” чораларидан қатъиян воз кечишни, социализм қурилиши шароитида шахсий манфаатнинг ҳал қилувчи аҳамиятини эътироф этишни билдирарди³.

Шуни қайд этиш зарурки, гарчи янги иқтисодий сиёсатдан олдинги “ҳарбий коммунизм” даври Туркистон иқтисодини барбод этган, илгариги хўжалик алоқаларини бузиб юборган бўлса-да, унинг асосига – туғилаётган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига, ишлаб чиқаришнинг товар хусусиятларига зиён етказмади. Совет ҳокимияти ўтказган экспроприация қилиш ва мулкни қайта тақсимлаш кампанияси натижалари тўғрисидаги маълумотлар бундан далолат беради. Хўжаликларнинг 1,7 фоизидангина ер тортиб олинган, 9,3 фоизига суғориш тизими вужудга келтирилгандан кейин юзага келган давлат фондидан ер ажратиб берилди, 6,6 фоиз пахтакор хўжаликкина янги ер олди, холос⁴.

Ўзбекистон асосан аграр мамлакат эди: 1924 йилда Ўзбекистонда яшаган 4258 минг кишидан 866 мингигина шаҳарлик эди⁵. Республиканинг асосий миллий даромади деҳқончилик ҳамда чорвачиликдан олинарди. Майда товар ишлаб чиқариши асосий

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. (Бош муҳаррир И.М. Мўминов) – Т.: “Фан”, 1971. – Б. 372.

² Гойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 38-39.

³ Ўша асар. 40-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 183.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Юбилейстат. – Т.: 1984. – С. 19.

хўжалик тури эди. 1920 йиллардаги маълумотга кўра, аҳоли жон бошига ўртача 2,1 десятина ер ва 5,2 бош қорамол тўғри келарди¹.

Бу ҳолат Туркистонда янги иқтисодий сиёсат йўлини белгилаб берди. Бу йўл совет ҳокимияти Россияда тутган йўлдан жиддий равишда фарқ қиларди. У ерда ҳам, бу ерда ҳам асосий эътибор қашшоқ деҳқонларга қаратилган эди. Бироқ, янги йўл ижодкорлари фикрича, Россияда қашшоқ деҳқонлар ёки қисқа муддатда саноат ишчилари қаторига ўтиб, завод ва фабрикаларни ишчи билан тўлдириши, ёки шаҳарлар кўрсатадиган техникавий ёрдамга, шунингдек, заминдорларнинг ерларини ҳамда бадавлат деҳқонларни оммавий равишда экспроприация қилиш натижасида олинган мулкка таянган ҳолда ўртаҳоллик даражасига кўтарилиши даркор эди. Россияда янги иқтисодий сиёсат деҳқонларнинг пролетарлашувига, бир қисми ўзи туғилиб-ўсган ерини ташлаб, шаҳарга кетиб қолишига тўсқинлик қилмасди.

Ўрта Осиё батракларига нисбатан бутунлай бошқача йўл тутилди. Туркистондаги янги иқтисодий сиёсатнинг ижодий жиҳати аynи шундадир. Туркистон сермеҳнат экинлар экиб маҳсулот оладиган аграр мамлакат эди. Бир томондан саноат йўлга қўйилмаганлиги учун қашшоқ деҳқонларнинг борадиган жойи йўқ, бошқа томондан эса минтақада ишчи кучига эҳтиёж барқарор эди. Бу ҳолат батракларнинг ўлка иқтисоди ва сиёсатидаги салмоғини Россиядагига нисбатан сифат жиҳатдан оширарди. Бу ерда батракларни пролетарлаштириш ўрнига майда деҳқон хўжаликларини мустаҳкамлаш, “бу гуруҳни ўртаҳоллик даражасига олиб чиқиш” йўли тутилди.

Объектив жиҳатдан олганда янги иқтисодий сиёсат маданий ривожланишга имкон яратди. Бироқ уни амалга ошириш жараёнида чуқур зиддиятлар намоён бўлди. Улардан энг асосийси янги иқтисодий сиёсат принципларининг ҳукмрон мафкура ғоясига мос келмаслиги эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси социализм манфаатларига, совет коммунистик тузумини мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши лозим эди, лекин коммунистик мафкура эса аввалбошдан, мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигини, хусусий тадбиркорликни, иқтисодий ва сиёсий фикр эркинлигини инкор этарди².

Мамлакатни йирик давлат саноати билан майда товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни бозор мувозанати негизига қаттиқ бухрондан олиб чиқиш назарда тутилган янги иқтисодий сиёсат товар ишлаб чиқарувчи бўлган якка деҳқон хўжалигининг табиати ва интилишларини ҳақиқий ҳисобга олган эди. Унинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришдан иқтисодий манфаатдорлигини оширганди. Янги иқтисодий сиёсатнинг қарор топиши даврида ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашнинг шакл ва усулларини излашнинг мураккаб ва оғир йўли партия ва совет ҳукумати қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг хусусий тадбиркорликларини иқтисодий рағбатлантиришга ҳаракат қилганликларини яққол намоён қилди. Бироқ социалистик ва капиталистик уклад ўртасида борган, моҳияти “ким кимни енгади?” шиори билан белгиланган шиддатли кураш шароитида бу жараён бир текис бормади. Унинг асосий тамойиллари ижтимоий сиёсат стратегияси, бу сиёсатнинг табақалаштирилган йўналиши билан майда товар ишлаб чиқарувчи сифатида қашшоқ деҳқонларга ҳар томонлама иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш ҳамда қулоқ хўжаликларини қаттиқ чеклаш билан белгиланди.

Совет давлатининг майда товар ишлаб чиқарувчига нисбатан иқтисодий сиёсатининг ҳомийлик хусусиятига эгаллиги вужудга кела бошлаган солиқ, қарз кооперациялаш сиёсатининг моҳиятини, муайян мақсадга йўналтирилганлигини белгилаб берди, хўжалик юритишнинг янгича иқтисодий сиёсатга хос бутун механизми эволюциясига таъсир кўрсатди.

Якка деҳқон хўжалигини майда товар ишлаб чиқарувчи сифатида иқтисодий рағбатлантириш ғояси ирригацияни, пахтачиликни, боғдорчиликни, узумчиликни,

¹ Национально-государственное размежевание Средней Азии. Узбекская ССР. – Т.: 1960. – С. 34.

² Голованов А.А., Саидов И.М. Деҳканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX - первой трети XX вв. – Самарканд: 2007. – С. 115.

чорвачиликни таназзулдан олиб чиқиш бўйича конкрет тадбирларни ишлаб чиқишда, махсулот ҳажмини кўпайтириш ҳамда саноат билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўртасидаги товар оборотини жонлантиришда белгилловчи ғоя сифатида намоён бўлди¹.

Лекин янги иқтисодий сиёсат йўлининг зиддиятлари уни Туркистонда амалга оширишда яққол кўзга ташланди. Шу билан бирга бу зиддиятлар мураккаб маҳаллий ўзига хос хусусиятлар билан чуқурлашиб борди. Туркистонда янги иқтисодий сиёсат бир қатор йўналишлари бўйича марказий Россияга нисбатан бирмунча кечроқ ўтказила бошланди. Бу ерда “ҳарбий коммунизм”га хос муносабатлар таъсири сезиларли даражада бўлиб, янги иқтисодий сиёсат ислохотлари давлат монополияси манфаатларига қаратилганлиги яққол намоён бўлди. Расмий жиҳатдан Туркистондаги янги иқтисодий сиёсат йўли Туркистон коммунистик партиясининг VI съезди (1921 йил август) ва республика советларининг X курултойи (1921 йил сентябрь) қарорларида тасдиқланди². Уларда ўлканинг иқтисодий ривожланиши совет-империяча тузумининг мустаҳкамланиши ва “коммунизм сари ҳаракат” стратегиясини амалга ошириш билан чамбарчас боғланди. Буларнинг ҳаммаси соғлом бозор асосларининг тўлақонли намоён бўлиш имкониятларини чеклаб қўяр, мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларига тўсиқ бўлар эди.

Янги иқтисодий сиёсат қоидалари фаол якка ишлаб чиқариш фаолиятига, хўжалик юритувчини шахсий ташаббусга даъват этди. Бироқ бунда фуқарога берилган ерни тасарруф этиш (олди-сотди қилиш) гина эмас, балки меҳнатни ташкил қилиш имкониятлари ҳам чеклаб қўйилди. Давлатнинг қонунни қабул қилиши ва унда “ерда ишлаганларгина унга эгалик қилиш ҳуқуқига эгадирлар, ўз ерини бошқаларга ишлаш учун берадиганлар ҳамда ўзгалар меҳнати билан кун кўрадиганлар ўзларининг ерига эгалик қилиш ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар”³, – деб ёзиб қўйилганлиги ташаббус кўрсатишни, хўжалик операцияларини ўтказишни (иш ҳайвонини ижарага олишни, қўшнидан пул ва асбоб-ускунани қарзга олишни ва ҳоказоларни) чеклаб қўйди. У ёки бошқа мулкдорни “қишлоқ эксплуататори” тоифасига киритишда аниқ мезонлар йўқ эди.

Ниҳоят, совет ҳокимияти қишлоқ муҳитига синфий кураш руҳини олиб кириб, мулкни тез-тез бўлиб туриш билан шуғуллана бошлади. Давлатнинг мафкуравий, тарғибот машинаси аҳолининг энг камбағал қатламларига умид боғлаб, уларга ер, чорва, асбоб-ускуна ваъда қилди. Табиийки, улар ваъда қилинган нарсаларга эга бўлиш иштиёқида ёниб, оёққа қалқдилар.

ТАССРда пахтачилик алоҳида ғамхўрликни талаб қиладиган соҳа бўлиб, унда юзага келган танглик ҳолатлари анча кескин даражада эди. 1915 йилда Туркистонда 669 минг десятина майдонга пахта экилиб, ундан 481 минг тонна ҳосил олинган эди. 1921 йилда эса, ялпи териб олинган пахта ҳосили фақат 15 минг тоннани ташкил этди, пахта етиштириладиган майдон 1922 йилга келиб, 11,5 минг десятинага тушиб қолди⁴.

Пахтачиликнинг инқироzi метрополиянинг иқтисодий манфаатларига жиддий таъсир қилди. Шунинг учун ҳам марказий ҳукумат биринчи навбатда пахтачиликни тиклаш ҳақида ташвиш торта бошлади. Мамлакатда пахтачиликни марказлашган ҳолда ривожлантириш учун РСФСР Олий Халқ хўжалик Кенгаши ҳузурида Бош пахта қўмитаси (Главхлопком) ва пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунадиган пахта қўмиталари таъсис этилди. 1921 йил 13 сентябрда Ленин “Пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисидаги” Низомни имзолади. Бу низом пахтани давлат монополияси қилиб мустаҳкамлади. Деҳқонларни пахта етиштиришга рағбатлантириш мақсадида марказий давлат тузилмалари қишлоқ ишларини бюджетдан маблағ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик қурулларини олиб

¹ Ғойибнаазров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 21.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 179.

³ Съезды Советов Союза ССР, союзных и автономных ССР. Сборник документов. – М.: 1960. 2-том. – С. 513.

⁴ Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства. – Т.: 1969. – С. 14.

келиш, камқувватли хўжаликларни иш ҳайвонлари билан таъминлаш чораларини кўрдилар. Кўрилган чоралар хўжалик соҳасида муайян самарасини берди.

Ирригацияни қайта тиклаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш муаммолари ўта қиинчилик билан ҳал қилинаётган эди. Ҳокимият органлари сув хўжалигини тиклаш ишларига кенг деҳқонлар оммасини мажбуран жалб қилишга асосий эътибор бердилар. 1921 йил 11 майда Туркистон Автоном Республикаси ХКК Москванинг талаби билан ўлкадаги ирригация ишларини ҳарбийлаштириш тўғрисида декрет қабул қилди. Айни вақтда то 1923 йилга қадар деҳқонлар зиммасида меҳнат ва от улов мажбурияти сақланиб қолди, кейин у “натура мажбурияти” деб қайта номланди. Деҳқонлар 1921 йилда бу мажбурият ҳисобига ирригация тизимлари 2 миллион киши-кунидан ортиқ тиклаш ишлари бажардилар, бу пул билан ҳисобланганда 2.390 минг рубл олтинни ташкил этарди.

Туркистонлик деҳқонларнинг мажбурий бепул меҳнати ирригация шохобчаларини таъмирлаш масалаларини қисман ҳал қилишга ёрдамлашди. Лекин сувдан фойдаланиш тизимини таъмирлаш ва тартибга солиш соҳасидаги асосий ишларни фақат аҳолининг кучи билангина амалга ошириб бўлмасди. Давлат бунини ҳис қилган ҳолда ирригация ишларига бюджетдан тобора кўпроқ маблағ ажрата бошлади. 1923 йилда бу маблағлар 5.567 минг, 1924 йилда эса 6.260 минг олтин сўми ташкил қилди¹. Лекин шу билан бирга деҳқонларнинг бепул меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган йўл сақланиб қолди.

1.2. Янги иқтисодий сиёсат шароитида деҳқонларнинг ижтимоий табақалашуви

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш арафасида Туркистондаги амалдаги ер-сув муносабатларини тугатиш ва қайта ташкил этиш ўша вақтда жуда етилган масала бўлиб қолган эди. Ўлкадаги аграр муаммони бирмунча енгиллаштиришда 1921-22 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти маълум аҳамиятга эга бўлди. Мавжуд манбаларга кўра, 1921-22 йиллардаги ислоҳот давомида давлат фондига 1.722.626 десятина ер жамланди. Бу ерларнинг 205.059 десятинали чор Россияси даврида ўлкага кириб келган рус қулоқлари яшаётган посёлкаларни тугатиш ҳисобига, 85.107 десятинали эса белгиланган нормадан ортиқча ерлардан қирқиб олинган ерлар, 1.321.720 десятинали кўчириш фондининг ерлари, 40.835 десятинали меҳнатсиз даромад топаётган “қулоқ” хўжаликларидан мусодара қилинган ерлар, 27.016 десятинали эса черков ва монастырлардан мусодара қилинган ерлар эди². Умуман, ислоҳот жараёнида ТАССРдаги учта област бўйича ҳаммаси бўлиб 70 та ўзбошимчалик билан тузилган посёлка (шулардан 40 таси Еттисув областида эди), 225 та хутор, чорбоғ ва участкалар, 639 та ўзбошимча меҳнатсиз хўжалик тугатилди, муҳожир деҳқонларнинг 241.755 десятинали суғориладиган ва яйлов ери тортиб олинди. Бу ерлардан 76 минг десятинали 7137 қирғиз, қozoқ ва ўзбек батрак ва кам ер деҳқон хўжаликларига тақсимлаб берилди³.

1921-1922 йиллардаги ер ислоҳоти ҳар хил жараёнларни келтириб чиқарди. Бир томондан у маълум маънода ер масаласини ҳал қилишга ёрдам берди. Бироқ ерсизларни ер билан таъминлаш соҳасида кўрилган бу тадбирлар Туркистон хўжаликларининг, айниқса, унинг ўзбеклар яшайдиган қисмига ниҳоятда кам манфаат келтирди, чунки уларга берилган ерлар кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган барча ерларнинг 0,7 фоизини ташкил этар эди, холос⁴.

Ислоҳот кишлокдаги сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди. Кишлоқлар ҳаётида қатъий синфий зиддиятлар бошланганлиги кўзга ташланди. Кўпгина

¹ Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX - первой трети XX вв. – Самарканд: 2007. – С. 118.

² Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX - первой трети XX вв. – Самарканд: 2007. – С. 120.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. (Бош муҳаррир И.М. Мўминов) – Т.: “Фан”, 1971. – Б. 365.

⁴ Ўша ерда.

туманларда маҳаллий идоралар иш хайвонлари ва қишлоқ хўжалик қурулларини умумийлаштириш йўли билан аҳолини сунъий равишда деҳқончилик артелларига бирлаштиришга уринарди. Масалан, 1921 йилнинг ўрталарига келиб фақат Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳудудларида 8745 хўжаликни бирлаштирган 275 та жамоа хўжалиги ташкил этилди. Давлат хўжаликлари тармоғи ҳам кенгайтириб борилди. 1923 йилда ТАССР да 161 та совхозлар бор эди¹. Ер-сув ислохотининг натижалари ТАССР МИҚнинг 1922 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Туркистонда ердан меҳнат мақсадида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланди.

1922 йилнинг иккинчи ярми – 1923 йилнинг бошларидан эътиборан хўжаликлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби янги иқтисодий сиёсатни янада амалийроқ рўёбга чиқаришга қаратилган чоралар бўлди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш соҳасидаги қонунчилик мажмуида Туркистон Советлари МИҚнинг 1922 йил 11 апрелдаги «Натура солиғи ҳақида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга кўра деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озик-овқат развёрсткаси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озик-овқат солиғи белгиланди. Лекин орадан кўп ўтмай хўжаликнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий этилди. Солиқ қуйидаги пропорцияларда олиниши белгилаб қўйилди: 2 десятинагача ери бор хўжаликлардан - 10 фоизи, 4-6 десятинагача ери бор хўжаликлардан - 14 фоизи, 8-20 десятинагача ери бор хўжаликлардан ҳосилнинг 16 фоизи миқдорида ва ҳоказо². Бу нафақат қишлоқдаги хўжаликларнинг турли тоифалардан, айниқса, камбағал-батрақлар қатламларидан олинадиган солиқни камайтирди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишга уриниб ҳам кўрилди.

Республиканинг бошқа областларида ҳам бойларнинг ва давлат ерлари ҳисобига ерли аҳолининг батрақ ва камбағаллари ер билан таъминланди. Самарқанд областида 350 та меҳнатсиз хўжалик тугатилди ва 13 минг десятина ер камбағалларга олиб берилди. Закаспий областидаги Байрамали совхозидан ҳам (собик подшо мулки) 18 минг десятина ер тортиб олиниб, туркман камбағалларига бўлиб берилди.

Янги иқтисодий сиёсат шароитида эркин товар алмашувининг вужудга келиши деҳқонларда ўз меҳнатидан манфаатдорлик кайфиятини пайдо қилди. Деҳқонлар ўз хўжаликларини ривожлантириш ҳаракатини бошлаб юборган эди. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йил сайин сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Энг муҳими, шаҳар билан қишлоқ ўртасида қизғин иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Халқ хўжалигининг тиклана бориши деҳқонлар орасидаги ижтимоий табақаланишга ҳам муайян таъсир кўрсатди. Бу табақалашув ўша давр таъбири билан айтганда маълум бир деҳқонлар гуруҳининг пролетарлашуви – яъни ерсизлашуви; бошқа бир гуруҳининг эса қулоқлашиб (бадавлатлашиб) бориши эди.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг социал структураси асрлар давомида шаклланган, кўп укладли ижтимоий – иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат бўлиб, ижтимоий гуруҳларга ажратишнинг ўз белгилари мавжуд эди. Ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий гуруҳларнинг ҳар бири ўзига хос, алоҳида мазмунга эга бўлган хусусиятларига кўра “бой”, “ўртаҳол”, “вақфдор”, “яримчи”, “чорикор”, “мардикор”, “етим”, “қарол” ва “коранда” деб номланган. Аммо, бу ижтимоий гуруҳларни белгилашда иқтисодий муносабатларга асосланиш устун турган. Уларнинг аниқ бир ҳуқуқий мезонлари бўлмаган. Шу боис, 1920 йиллар давомида ва ундан кейин, ёппасига коллективлаштириш жараёнида ҳам бу гуруҳларнинг расмий ижтимоий мақоми ноаниқ бўлиб қолаверди³.

1921-1925 йилларда совет давлатида қишлоқ аҳолиси ўртасида бир қанча социал табақалар мавжуд эди. 1920 йиллар бошида бутун мамлакат қишлоқ аҳолисининг 35-40

¹ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: «Фан», 1957. – С. 71.

² История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. – Т.: АН УзССР, 1963. – С. 12.

³ Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳоли (1929-1959 йиллар) – Т.: “Шарқ”, 2012. – Б. 78.

фоизини батрак ва камбағаллар, 55-60 фоизини ўртаҳол деҳқонлар, 3 фоизга яқинини кулок хўжаликлари ташкил қилар эди¹.

1920 йилларда Ўзбекистон қишлоқларидаги энг салмоқли ижтимоий гуруҳ – қишлоқ камбағаллари эди. Қишлоқ камбағаллари ўша давр андозалари бўйича уч гуруҳга - 1) қишлоқ хўжалик пролетариати, 2) қишлоқ ярим пролетариати, 3) майда деҳқонларга бўлинган².

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик пролетариатига – қарол, етим ва корандалар, қишлоқ ярим пролетариатига – мардикорлар, майда деҳқонларга – вақфдор, яримчи, чорикорлар кирган. Улар умумий ҳолда батраклар деб аталган. Батраклар гуруҳига ерсиз қишлоқ меҳнаткашлари бўлмиш қароллар, мардикор ва корандалар, хизматкорлар, подачилар ва бошқалар кирган.

Батраклар ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаганликлари учун муайян муддат (хафта, ой, йил, қишлоқ хўжалик мавсумига) ёлланганлар. Меҳнати эвазига ҳақни пул билан, баъзан келишув бўйича натурода олганлар.

Ўзбекистон шароитида мардикор деб аталган ижтимоий гуруҳ, қишлоқ ярим пролетарларини ташкил қилар эди. Мардикорлар муайян бир ишни ёки юмушни бажариш учун бир кунга, ҳафта, ой ёки қишлоқ хўжалик мавсумига ёлланганлар. Улар малакали мутахассис ҳисобланмаган ва тирикчилик ўтказиш мақсадида учраган ишни бажариб кета берган. Мардикорларни бирон – бир гуруҳга мансуб санаб, бу иш уларнинг доимий касби деб ифодалаш тўғри эмас. Чунки унинг таркиби жуда ўзгарувчан бўлган.

Майда деҳқонлар – бу гуруҳга 1 десятинадан 3 десятинагача ери бўлган деҳқонлар кирган. Бу хўжаликларнинг ўзига хослиги, унда деҳқон ёлланма ишчи кучини жалб қилмаган ҳолда ерга оила аъзолари билан ишлов берган. Фарғона областида майда деҳқонлар барча деҳқонларнинг 30,1 фоизини ташкил этгани ҳолда, улар 23,4 % ерга эгалик қилганлар³. Бу хўжаликларнинг учдан бирида ишчи ҳайвон (от, хўкиз) йўқлиги боис, уни ижарага олишга мажбур бўлган. Ўзбек қишлоқларидаги иқтисодий муносабатлар тизимида шариатга асосланган чорикорлик, ижарачилик ва шериклик муносабатлари алоҳида ўрин тутган.

Туркистон Автоном Республикасида янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки йилларида қишлоқ аҳолиси орасида айнан камбағал деҳқон қатламлари миқдори бирмунча қисқарди. Бунга юқорида айтиб ўтилганидек, бозор муносабатлари ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи бир томондан 1921-22 йиллардаги ер ислоҳоти ижобий таъсир кўрсатган эди. Бу йилларда ўртаҳол деҳқонларнинг салмоғи сезиларли даражада ўсди.

Ўзбекистон шароитида ўртаҳол деҳқонлар ўзини-ўзи таъминлаш имконияти бўлган, лекин мавсумий ёлланма меҳнатдан фойдаланиб турадиган кишилардан иборат бўлган. Ҳар доим ҳам бу таъриф бўйича ўртаҳолни аниқлаш имкони бўлмаган. Шу боис, турли районларда ер ва экин майдонига қараб белгилашга ҳаракат қилинган. Кўп ҳолларда шартли тарзда 3 десятинадан 5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ўртаҳол деб топилган. Масалан, Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси кўрсатмасига биноан бойни ўртаҳолдан, ўрта ҳолни камбағалдан фарқини аниқлаш учун тузилган “учлик” комиссиянинг ҳулосасига кўра 1,5 танои ери, 20-25 қўйи, 1 ёки 2 та омовчи, 1 ёки 2 та араваси, сув бор жойларда иккитадан чиғири бор хўжаликлар ўртаҳол ҳисобланган⁴.

Ўзбек қишлоқларидаги ўртаҳол деҳқон ери, иш ҳайвони, деҳқончилик асбоблари, уруғлик ва бошқалар билан яхши таъминлангани ҳолда асосан ўз ери ва қисман ижарага олган ерида меҳнат қилган. Пахта экини кўп меҳнат талаб қилганлиги учун хўжаликлар

¹ История крестьянства СССР. История советского крестьянства. Том 1. Крестьянство в первое десятилетие Советской власти 1917-1927. – М.: «Наука», 1986. – С. 285.

² Голованов А. Саидов И. Деҳканство Ўзбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд: 2007. – С. 25-26.

³ Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти (1917 – 1980 гг.). – Т.: Фан, 1984. – С. 119.

⁴ Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). – Т.:Ижод дунёси, 2004. – Б. 133.

совет қонунчилигида белгиланган муддат ва миқдорда ўз шароитига қараб мавсумий ёлланма меҳнатдан фойдаланган. Етиштирган ҳосилининг бир қисmini бозорга чиқариб сотган¹.

Миллий–худудий чегараланишдан кейин Ўзбекистонда аграр ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқати бўлган аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотни қарийб 80 фоизини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Бундай шароитда аграр ислохотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

20 йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволида бир оз силжишларга эришилди. Сабаби, янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан деҳқонлар эркинроқ нафас олаётган эди. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларига ортиқча маҳсулотларини сотиш, қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш имконини берди. Натижада деҳқон хўжаликларини товар билан таъминланиши ошди, аҳолини турмуш даражаси бирмунча кўтарилди.

Аграр соҳадаги бирмунча илгари силжишларга қарамай, қишлоқ хўжалигини тиклашга доир асосий масалалар ҳали ечилмаган, вазият мураккаблигича қолаётган эди. 1924 йилда деҳқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7 фоизинигина ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2 фоизини ташкил этарди².

1921-1922 йилларда ўтказилган ер-сув ислохоти ерсиз ва кам ерли деҳқонлар масаласини ва тақсимотини тўла ҳал қилмади. Бу ислохот асосан ўлкадаги рус деҳқонлари билан маҳаллий деҳқонлар ихтиёридаги ерларни бараварлаштириш масаласига қаратилган эди. Қисқача айтганда, 1921-1922 йиллардаги аграр ислохот чор Россияси мустамлакачилик тартиблари асосларини тугатди. Бироқ, ўлкада кўп ерлилик ва кам ерлилик сақланиб қолаверди.

Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси кўрсатмалари асосида 1925 йилда бошланган Ўзбекистондаги ер–сув ислохотини амалга оширишга асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистон КП(б) иккинчи съезди (1925 йил 22–30 ноябрь) “Ер ислохоти тўғрисида”ги резолюциясида қишлоқда ерга хусусий мулкчиликка барҳам бериш ва Ўзбекистон республикаси доирасида ер ва сувни национализация қилиш ишига амалий равишда киришиш вазифасини қўйган эди³. Унга кўра, ислохотни 1926 йил баҳорида иқтисодий жиҳатдан кўпроқ ривожланган Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида бошлашга қарор қилинди. Ўзбекистон ССР Марказий ижрокўми ва Халқ Комиссарлар Советининг 1926 йил 16 декабрдаги “Зарафшон вилоятида ер–сув ислохоти ўтказиш тўғрисида”ги декрети, 1927 йил 13 ноябрдаги 138 – сонли “Андижон округининг Ойим кентиде ер–сув ислохоти ўтказиш тўғрисида”ги қарори ва ЎзССР МИҚнинг 1928 йилнинг 1 ноябридаги 192 – сонли “Ўзбекистон ССРнинг Қашқадарё ва Сурхондарё округларида йирик меҳнатсиз равишда ердан фойдаланишни тугатиш ҳақида”ги қарорлари⁴ ва уларни кенгайтириш юзасидан қабул қилинган дастурамал (инструкциялар)да белгиланган нормадан ортиқ суғориладиган ерлари бўлган мулк эгаларининг ерлари каерда яшашидан қатъий назар жонли ва жонсиз деҳқончилик асбоблари билан мусодара қилинди. Хусусан, Фарғона вилоятида 40 десятина, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 50 десятина, Зарафшон вилоятида 35 десятина, Андижон

¹ Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар) – Т.: “Шарқ”, 2012. – Б. 82.

² Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Госиздат УзССР, 1950. – С. 15.

³ Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. –Т.: Ўздавнашр, 1958. – Б. 87.

⁴ Ўша жойда, 199 –248 бетлар.

округида 30 десятина, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 20 гектар суғориладиган ва 45 гектар ва ундан ортиқ баҳорикор ерга эга бўлган хўжаликларнинг мол – мулки мусодара объекти ҳисобланди. 1929 йилда ислохот Қорақалпоғистонда ўтказилди. Декрет ва қарорларда ҳар бир вилоят ва районлар учун “меҳнат учун фойдаланиш нормаси” жорий этилди. Бу миқдор ҳар бир районнинг ҳолатига қараб турлича белгиланди ва ер – сув ислохоти марказий комиссияси томонидан тасдиқланди. Фарғонада 5 десятина, Самарқанд ва Тошкентда 10 десятина, бутун республика бўйича эса ўртача 4 десятинача қилиб белгиланди¹. Мусодара қилинган ёки қирқиб олинган нормадан ортиқ бўлган ерлар, жонли ва жонсиз деҳқончилик асбоблари билан бирга давлат ер фондига киритилди.

Ўзбекистон ССР да ер – сув ислохоти ўтказилиши натижасида 4801 хўжалик тугатилди, 23036 хўжаликнинг ортиқча ерлари тортиб олинди, ер фондига 474393 десятина ер қўшилди, 89729 хўжаликка ер берилди². Шу билан бир қаторда вақф мулклари ҳам тортиб олинганди. Ер-сув ислохоти натижасида асрлар давомида шаклланган йирик ер эгалигини тугатилиб, ерлар ерсиз ва кам ерли деҳқонларга жуда оз миқдорда бўлиб берилди. Ислохот жараёнида шаклланган 474893 десятина ер фондининг фақатгина 10 фоизи ерсиз деҳқонларга тақсимланган, холос.³ Қолган ер фонди базасида дастлабки колхоз ва совхозлар ташкил этилган.

1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохоти жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий гуруҳлар дифференциацияси ва мулкӣ табақаланишида сезиларли ўзгаришлар юзага келди. Ислохот арафасида қишлоқдаги камбағаллар Ўзбекистондаги барча деҳқонларнинг 76% ни ташкил этган бўлса, 1928 йилга келиб 43 % га қисқарди, ўртаҳол деҳқонларнинг миқдори 17 % дан 52 % га ўсди, бойлар эса фақатгина 5 % ни ташкил этди⁴. Бу рақамлар ер – сув ислохотидан кейин ўртаҳоллар қишлоқдаги марказий сиймога айланганлигидан далолат беради. Аммо, деҳқонларнинг ўртаҳоллашув даражаси Иттифоқнинг марказий районлари билан таққослаганда озроқ фоизни ташкил этган. Чунончи, 1929 йилда ўртаҳол деҳқонлар Иттифоқ миқёсида 74 %, камбағаллар 21 % ни, бой – қулоқлар 5 % ни ташкил этган.

Ёппасига коллективлаштириш арафасида Ўзбекистондаги ўртаҳол деҳқонлар қишлоқдаги марказий сиймога айланган бўлиб, барча деҳқонларнинг 52% ни ташкил этган. Ерсиз ва кам ерли камбағаллар 43 % ни, бой деҳқонлар эса фақатгина 5 % ни ташкил этди. Большевиклар ўзбек қишлоқларида асрлар давомида шаклланган ижтимоий муносабатларни назар писанд қилмасдан, аксинча қишлоққа коммунистик мафқурани, синфлар ўртасидаги кураш ғоясини мажбурий сингдиришга эришдилар. Қишлоққа нисбатан синфий ёндашув ёппасига коллективлаштириш жараёнида жуда катта хатоликларнинг келиб чиқишига, қонунбузарликларнинг юз беришига ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўта қўпол равишда поймол қилинишига шароит яратди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 331.

² Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи жилд. – Т.: “Фан”, 1971. – Б. 465.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 334.

⁴ Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти (1917 – 1980 гг.). – Т.: “Фан”, 1984. – С.130.

-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

2.1. Дехқончиликда ердан фойдаланиш формалари

Янги иқтисодий сиёсат даврида Ўзбекистон қишлоқлари ўзига хос майда ва тарқок ер участкаларига бўлинганлиги билан ҳам ажралиб турарди. Майда деҳқон хўжаликлари асосан азалдан суғориладиган кичик ҳудудларда, кўпроқ Фарғона водийсида, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм вилоятларида тўпланган эди. Фарғона водийсидаги деҳқон хўжаликларига тегишли ер участкаларининг 25 фоизи қўшни қишлоқларда жойлашган эди. Бу ерларнинг ярми бошқа волост қишлоқлари ҳудудида бўлган. Зарафшон областида ўртача 1 та хўжаликка 2,5 та ер участкаси, Хоразмда ўртача 1,5 участка тўғри келган. Ер эгаллигининг бундай шакли ҳам муайян қийинчиликларни вужудга келтирган. Чунки, деҳқон хўжаликлари гоҳ у қишлоқдаги чек ерига, гоҳ бу қишлоқдаги ерига қатнаб деҳқончилик қилиши уларнинг кўп вақтини оларди. Айниқса, экинларни суғориш пайтида ёки ерни шудгор қилиш вақтида деҳқонларга қўшимча машаққат бўларди. Ер участкаларининг бундай тарқок ҳолда жойлашганлиги бу каби майда ерларнинг охири-оқибатда айрим бой-бадавлат кишилар қўлида тўпланиб боришига шароит яратиб берган эди. Чунки, кўп ҳолларда у қишлоқдан бу қишлоққа қатнашдан безор бўлган деҳқонлар ўз участкаларини бойларга арзон-гаров сотиб юборишга мажбур бўлардилар¹.

Деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги ҳам маълум мураккабликларни юзага келтирар эди. Фарғона, Тошкент, Зарафшон, Хоразм областларида деярли барча деҳқончилик ерлари суғориладиган ерлар эди. Сурхондарё областида суғориладиган ерлар 67,6 фоизни, Самарқанд областида 67,4 фоизни, Қашқадарё областида 59,3 фоизни ташкил этарди. Республика бўйича суғориладиган ерлар барча экин майдонларининг 87 фоизини ташкил этган. Суғорма деҳқончилик хўжаликларидан жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни тақозо этарди. Чунки, суғориш тармоқларини, яъни ариқлар ва каналларни мунтазам тозалаб туриш, зарур жойларда тўғон ва дамбалар қуриш, уларни таъмирлаш каби ишлар жуда катта ишчи кучини талаб этган².

Агротехниканинг ўта оддийлиги, ирригация тизимининг танг ҳолатдалиги, маблағларнинг камлиги, янги ерларни жадал ўзлаштириш имконини бермаган эди. Буларнинг ҳаммаси ер масаласининг кескинлашувига олиб келди.

Хўжаликларнинг ижтимоий таркиби таҳлили кўрсатардики, иккинчи ер ислоҳоти арафасида Ўзбекистонда унумдор ерларнинг 30 фоиздан кўпроқ қисми «бой-қулоқлар» тасарруфида эди. Чунончи, Фарғона областида қулоқ ва майда помешчик хўжаликлари 39 фоиз ерга эгалик қилар эди. Самарқанд областида эса барча ерларнинг 32,7 фоизи қулоқ ва майда помешчиклар қўлида эди. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шу кўринишда эди.

Кўп ерлилар билан кам ерлилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ижара асосига қурилар эди. Кам ерли деҳқонлар, мардикор ва чорикорлар ерни ва иш қуроқларини ижарага олишар эди. Яъни, бу даврда 2 десятина ери бор хўжаликлар ҳам қўшимча ижарага ер олишга мажбур бўлган.

Ижара муносабатлари биринчи навбатда пахтакор районларда, хусусан Андижон, Фарғона ва Хўжанд округларида кенг тарқалган. Шерикчилик чорикорлик ва ижара муносабатларидан фарқ қилиб, хўжалик юритишда ҳамкорликка асосланган. Икки деҳқон ўз ерларини, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроқларини бирлаштириб биргаликда меҳнат қилганлар. Етиштирилган ҳосилни эса тенг улушларда тақсимлаб олганлар. Шу билан бирга бироз мураккаб шаклдаги шерикчилик ҳам мавжуд бўлиб, бунда ер, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроқлари бирлаштирилгани ҳолда фақат битта шерик ишлаган. Бу ҳолда ишламаган шерик ҳосилнинг учдан бир қисmini олган.³

¹ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1950. – С. 37-38.

² Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) – Фрунзе: «Мектеп», 1967. – С. 59.

³ Валиев А.Х. Положение дехканства Ферганы в конце XIX – начале XX веков. – Т.: Узгосиздат, 1958. – С. 34.

1925 йилда ўзбек қишлоқларидаги камбағал деҳқонлар – батраклар ва икки десятиначача экин ери бўлган хўжаликларнинг умумий миқдори 71,8 % ни ташкил эди¹. Бу рақам мазкур даврда ўзбек қишлоқларидаги марказий сиймо – камбағал деҳқонлар бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистоннинг деҳқончилик районларида, айниқса, пахта экиладиган Фарғона области, Хўжанд, Мирзачўл, Пойарик, Дамарик, Гиждувон ва бошқа баъзи бир районларда ижара муносабатлари жуда ҳам ривож топган эди. Улушбай ижараси кенг тарқалган бўлиб, айниқса Фарғона областида устунлик қилар эди. Бу вилоятда 3 десятиначача ери бўлган деҳқонлар одатда йирик ер эгаларидан улушбай ижара олишга мажбур эдилар. Айни бир вақтда 7 десятинадан ортиқ чек ери бўлган хўжаликлар ижарага ер берар эдилар.

1925 йилда Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида хайдаладиган ерларнинг 80 фоизи ижарага берилган. Қишлоқларда яшовчи йирик ер эгалари ўз ерларининг 95 фоизини, шаҳарларда яшовчи савдогарлар эса деярли барча ерларни ерсиз ёки кам ерли деҳқонларга ижарага берганлар. Бу ҳол ўз даврида «меҳнат қилмасдан даромад топиш», «бой-қулоқлар томонидан камбағал деҳқонларни эксплуатация қилиш» деб баҳоланган.

Ижарага ер олувчиларнинг кўпчилигини кам ерли деҳқонлар ташкил қилган. Чунончи, Қашқадарё вилояти Китоб волостида ижарага ер олувчи деҳқонларнинг 78,5 фоизини 1,3 десятиначача ери бўлган хўжаликлар ташкил қилган бўлса, Хоразм вилояти ижарачиларининг 59 фоизидан 2 десятиначача ер бўлган.

Ўзбекистоннинг барча туманларида ер, от-улов ва асбоб-ускуналарни асосан камбағал деҳқонлар ва кам қувватли ўртаҳол деҳқонларнинг аксарият қисми ижарага оларди. 1925 йилдаги статистик таҳлилларга кўра, бу йилда республикадаги деҳқон хўжаликларининг 29,2 фоизидан иш ҳайвонлари йўқ бўлган. Бу ҳолат вилоятлар бўйича қуйидагича эди: Фарғона вилоятида 45,6 фоиз, Самарқанд вилоятида 27,5 фоиз, Тошкент вилоятида 26,4 фоиз, Хоразм вилоятида 13,8 фоиз, Қашқадарё вилоятида 7,7 фоиз, Зарафшон вилоятида 7,2 фоиз хўжаликларда иш ҳайвонлари бўлмаган². Кўриниб турганидек, иш ҳайвони бўлмаган хўжаликлар асосан пахта етиштириладиган вилоятларда кўпчиликни ташкил қилган. Бунинг сабабларидан бири, пахтачилик вилоятларида ерга асосан пахта экилганлиги учун, деҳқон хўжаликларида иш ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлашдаги қийинчиликлар билан изоҳланади.

1925 йилда иш ҳайвонларининг асосий қисми маълум табақа кишилар қўлида, яъни катта ер эгалари қўлида тўпланган эди. Бу йилларда 10 десятинадан ортиқ ерга эга бўлган хўжаликларнинг 50 фоизидан кўпроғида 4-5 тадан иш ҳайвонлари бўлган.

«Помещик-бой» хўжаликлари тасарруфида иш ҳайвонлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг катта қисми ҳам тўпланган эди. Ер-сув ислоҳоти арафасида республикада асосий қишлоқ хўжалик асбоблари омон, кетмон, ўроқ ва мола эди. Хатто мана шу содда қишлоқ хўжалик асбоблари ҳам кўпгина деҳқон хўжаликларида йўқ эди. Масалан, 1925 йилдаги таҳлилга кўра, Самарқанд вилоятида омончи бўлмаган хўжаликлар 54,8 фоизни, Тошкент вилоятида 43,6 фоизни, Фарғона вилоятида 35,2 фоизни, Зарафшон вилоятида 12 фоизни ташкил этган. Айрим жойларда бу фоизлар янада кўпроқни ташкил этган. Масалан, Фарғона вилояти, Балиқчи волостидаги Тулкиобод қишлоғида омончи йўқ хўжаликлар 91,2 фоизни, Қумтепа қишлоғида 76,3 фоизни, Хўжаобод қишлоғида 66,4 фоизни ташкил қилган³.

Қишлоқ хўжалик асбоблари бўлмаган хўжаликлар зарур асбобларни ҳам ижарага олганлар. Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида барча деҳқон хўжаликларининг 25 фоизи қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ижарага олиб ишлатганлар. Ижара шартлари турли кўринишларда бўлган, яъни фойдаланиш эвазига

¹ Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти (1917 – 1980 гг.). – Т.: «Фан», 1984. – С.126.

² Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане. 59-60-бетлар.

³ Ўша асар. 61-бет.

етиштирилган ҳосилнинг маълум бир қисмини асбоб эгасига бериш ёки асбоб эгасининг ерида ишлаб бериш ва ҳоказо.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турганидек, ер-сув ислоҳоти арафасида Ўзбекистондаги деҳқон хўжаликларининг катта қисми ерсиз ёки кам ерли шунингдек, иш хайвонлари ҳамда иш қуролларига муҳтож бўлган. Улар бу нарсаларни ижарага олишга мажбур бўлганлар, охир-оқибатда республикада чорикорлик муносабатлари кенг ёйилган.

Чорикорлар – ўзаро келишув асосида йиллик ҳосилнинг муайян улуши эвазига ер олиб ишловчи ерсиз, кам ерли ва деҳқончилик қуролларига эга бўлмаган деҳқонлар эди. Чорикорнинг ҳосилдан оладиган улуши унинг иш хайвони ва меҳнат қуролига эга бўлиши билан боғлиқ эди. Шу боис, амалиётда чорикорликнинг 3 хил шакли мавжуд бўлган:

Биринчи шакли – ер эгаси чорикорга ер, сув, иш хайвони, меҳнат қуроллари, уруғлик, ем – ҳашак, қарзга пул ва бошқа зурур нарсаларни берган, чорикорга фақат меҳнат қилиш қолган, ҳолос. Бунда чорикор ердан фойдалангани учун олган барча пул ва буюмларни қайтарган ҳолда, ҳосилнинг бешдан уч қисмини ер эгасига берган.

Иккинчи шакли – чорикор ер, сув ва берган меҳнат қуролларидан фойдаланган тақдирда, ер эгасига ҳосилнинг бешдан икки қисмини тўлаган.

Учинчи шакли – чорикор иш хайвони ва меҳнат қуролларини ўзи билан олиб келиб, фақат ернинг ўзидан фойдаланадиган бўлса, ҳосилнинг саккиздан бирдан, тўртдан биригача тўлаган¹.

Чорикор бутун қишлоқ хўжалик мавсуми давомида ерга боғланган бўлиб, келишувни муддатидан олдин бир томонлама бузадиган бўлса, у сарфлаган меҳнатига оладиган ҳақдан маҳрум бўлган. Бундан ташқари мардикорлар ҳосил бўлиш – бўлмаслигидан қатъий назар ўз хизмат ҳақини олсалар, чорикорлар эса экин нобуд бўлган тақдирда ҳеч нарсага эга бўлмаган. Яхши ҳосил бўлмаган ҳолларда эса жуда кам улуш олган. Жумладан, Андижон округ Ойим районида 1926/27 хўжалик йилида қишлоқ хўжалигидагиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи ўрганилганда мавсумий мардикор 255 сўм 21 тийин, кунлик мардикор 279 сўм 87 тийин, чорикор 197 сўм 51 тийин, ерсиз чорикор 210 сўм 29 тийин ҳақ олган². Бундан кўриниб турибдики, чорикорнинг иш ҳақи мардикорнинг иш ҳақидан кам бўлган. Аммо, бу натижани мутлоқ тўғри деб бўлмайди. Чунки, биринчидан, чорикорларнинг ер эгаси билан келишуви асосан оғзаки бўлган ва ҳеч қаерда қайд қилинмаган. Иккинчидан чорикор ўз улушини пулда эмас, балки натурада олган. Шу боис, чорикорнинг иш ҳақини пулда ҳисоблаб чиқиш мушкуллик туғдирган.

Камбағал деҳқонларнинг ўз ерларини чорикорларга ишлаш учун бериши жуда кам ҳолатларда юз берган, асосан ижарачилик ва шерикчилик кўринишларида бўлган. Майда деҳқонлар кўп ҳолларда ерни ижарага олиб ишлаганлар. Ижарага олинган ер эвазига тўланадиган ижара ҳақининг ичига, ер эгаси берган ишлаб чиқариш воситаларининг фоизи ҳам киритилиб, умумий миқдори олдиндан аниқ белгиланган.

Айрим чорикорлар ер билан иш хайвони, иш қуроллари ва турар жойни ҳам ижарага олганлар. Бундай ҳолларда чорикор етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмини ўзида қолдирган, ҳолос. Хосилнинг асосий қисми ер эгасининг қўлида қолган. 1923-1925 йилларда ҳукумат ўлкадаги чорикорлик муносабатларини бирмунча чеклашга доир қонунлар ишлаб чиқди. Бу даврда етиштирилган ҳосилнинг чорикорга тегадиган қисми кўпайиб борди. Агар 1915 йилда 51,6 фоиз чорикорлар ҳосилнинг ярмини ер эгасига берган бўлсалар, 1925 йилда бундай чорикорлар миқдори 31,5 фоизга қисқарди. Лекин бунга қарамай чорикорлар турмуш даражасининг ночорлиги сақланиб келмоқда эди. Чорикорлар ихтиёрида қоладиган ҳосил кўп ҳолларда уларнинг эҳтиёжлари учун етмас эди. Бундай шароитда улар қарзга ботиб қолардилар.

¹ Валиев А.Х. Положение деҳканства Ферганы в конце XIX – начале XX веков. – Т.: Узгосиздат, 1958. – С.35.

² Джамалов О.Б. Социально – экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1950. – С. 35.

Давлат бу даврда барча деҳқон хўжаликларини, шунингдек чорикорларни кредит билан таъминлаш имконига эга эмас эди. Шу боисдан пулга мухтож деҳқонлар асосан, бой-бадавлат кишилардан оғир шартлар эвазига қарзга пул олардилар. Қишлоқларда мухтож кишиларга қарз берувчи судхўрлар бўлган. 1925-1926 йилларда Фарғона вилояти Асака волостидаги деҳқонларнинг 52,3 фоизи хусусий кишилардан қарз олганлар. Деҳқонлар олган қарзлари эвазига жуда катта фоиз тўлаганлар. Қарзлар фоизи Ўзбекистоннинг айрим жойларида 120 дан 225 фоизгача бўлган. Хусусий шахслардан олинадиган натурал кредит шартлари бундан ҳам оғирроқ бўлган.

Хуллас, чорикорлик муносабатларининг кенг ёйилганлиги қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Бу ўлкада аграр соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири эди.

Камбағал деҳқонлар ва бадавлат деҳқонлар ўртасида большевик маъмурлар томонидан атайлаб авж олдирилган синфий қарама-қаршилик танглигининг янада кучайишига сабаб бўлди.

2.2. Деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқарувчи кучлари

Янги иқтисодий сиёсат шароитида деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқарувчи кучлари ҳақида гапирганда шуни айтиш мумкинки, хўжаликни тиклаш ва ривожлантириш ишлари техника воситалари эвазига эмас, балки деҳқонларнинг қўл кучига ва ишчи ҳайвонлари ҳисобига амалга оширилмоқда эди. Бу даврда майда деҳқон хўжаликларининг шахсий техника воситалари ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмасди. Хўжаликларнинг ерга ишлов бериши ва маҳсулот етиштириш ҳажми асосан уларнинг қўлидаги иш ҳайвонлари миқдорига боғлиқ эди. Қўлида ишчи ҳайвони бўлмаган деҳқон хўжалик юритишда ўз эркинлигини йўқотар ва кимгадир қарам бўлиб қолиши муқаррар эди. Шу боис ҳам қишлоқларда “Отсиз деҳқон – хўжайин эмас” деган нақл кенг тарқалганди.

Фуқаролар уруши йилларида бутун совет мамлакатаида жуда кўп чорва ҳайвонлари нобуд қилинган эди. Айниқса асосий иш ҳайвонлари бўлган отлар ҳам кескин қисқариб кетган эди. 1925 йилда бутун мамлакатдаги чорва ҳайвонлари, шу жумладан ишчи ҳайвонлар 1916 йилдаги чорва ҳайвонлари миқдорининг 73,5 фоизини ташкил қилар эди¹. Шу сабабли ҳам, янги иқтисодий сиёсат даврида совет ҳукумати олдида биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланишининг асоси бўлмиш чорва ҳайвонлари миқдорини кўпайтириш вазифаси турар эди. Бу вазифа маълум маънода қишлоқнинг камбағал қатламларини тиклашга ҳам ёрдам берар эди.

1925 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Советларнинг Бутуниттифоқ 3-съезди “давлат йўли билан ва аҳолини кооперативлаштириш орқали” мамлакатда ишчи ҳайвонларини етарли даражада кўпайтиришнинг беш йиллик плани масаласига эътибор қаратди. Совет давлати бу вазифа учун керакли маблағлар ажрата бошладики, бу ўз самараларини берди. 1927 йил баҳорида бутун мамлакатдаги отлар сони 31,5 миллион бошга етказилдики, бу 1916 йилда мавжуд бўлган отларнинг 88,2 фоизини ташкил қиларди (1916 йилда Россия империясида 35,8 миллион бош от бўлган). Бу йилда турли қишлоқ хўжалик ишларида 21,6 миллион ишчи отдан ва 5,2 миллион хўкизлардан фойдаланилди².

Лекин қишлоқ хўжалиги ишларида барибир иш ҳайвонлари етишмас, шу сабабли ҳам бу мақсадларда бошқа чорва ҳайвонларидан (сигир, эшак, туя ва ҳоказо) ҳам фойдаланиларди. Айниқса, Ўрта Осиё шароитида кўп меҳнат талаб қиладиган пахтачилик ишида ишчи ҳайвонларининг етишмаслиги оғир муаммолардан эди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати айниқса Туркистон Автоном Республикаси халқ хўжалигининг барча тармоқларини тушкунлик ҳолатига, айниқса аграр соҳани ҳалокатли аҳволга олиб келган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилги даражага нисбатан 1921 йилда 48,8 фоизгача қисқариб кетган эди. Суғориш иншоотлари

¹ История крестьянства СССР. История советского крестьянства. Том 1. Крестьянство в первое десятилетие Советской власти 1917-1927. – М.: «Наука», 1986. – С. 328.

² Животноводство СССР. – Москва: 1960. – С. 142-145.

мисли кўрилмаган даражада барбод бўлди. Чорвачиликка жиддий зиён етди. Чорва моллари 1916 йилга нисбатан 3 баравардан зиёдрокка қисқариб кетган эди. 1915 йилда мавжуд бўлган 24 миллион бошдан фақат 8.112 минг бош мол сақланиб қолган эди. 1921 йилда бу жараён янада кучайди.

Халқ хўжалигини тиклаш йилларида Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг СССР марказий районларидагига қараганда анча жадалроқ суръатлари таъминланди. 1924 йилдан 1928 йилга қадар Ўзбекистон ССРда экин майдони ўрта ҳисобда бир хўжаликда 1,06 гектардан 2,25 гектарга, от-уловлар сони 0,46 дан 0,96 га етказилди, плуглар билан таъминланиш 2,6 аравалар билан таъминланиш 1,7 баравар ошди. Лекин бунга қарамай, Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш даражаси Россиянинг марказий районларига қараганда анча паст эди. Масалан, 1928 йилда экин майдонининг бир гектари ҳисобига деҳқончилик асбоб-ускуналари билан таъминлаш (уларнинг қиммати ҳисобида) Фарғона ва Тошкент областларида РСФСРнинг марказий районларидагига қараганда 10-11 баравар кам эди. Бу ерда қишлоқ хўжалик ишларида асосий иш қуроллари хануз кетмон ва омовчиликча қолган эди¹.

Қишлоқ хўжалик ишларининг асосан қўл кучи билан бажарилиши маҳсулот ишлаб чиқаришининг паст бўлишига олиб келар эди. Қишлоқ хўжалигида илгаригидек ёғоч омовлардан фойдаланиш, экинларга агротехник ишлов берилмаслиги ҳам ҳосилдорлиқнинг пасайишига сабаб бўларди.

Техника воситалари – темир плуглар ва тракторлар совет давлати саноатида эндигина ишлаб чиқарила бошланган бўлиб, дастлабки йилларда улар етарли эмас эди. Иккинчи бир томондан Ўрта Осиё республикаларида, хусусан Ўзбекистонда деҳқон хўжаликлари нисбатан майда хўжаликлар бўлиб, уларнинг ўз эҳтиёжлари учун техника воситалари сотиб олишга қурби етмас эди. У сабабли ҳам, тракторлар ва бошқа техника воситалари асосан янгидан ташкил қилинаётган колхоз ва совхозлардагина қўллана бошлади.

1925-1927 йиллардаги ер-сув ислоҳоти Ўзбекистонда колхоз ҳаракатини ривожлантиришда муҳим омил бўлган эди. Бирмунча ер ва иш қуролларига эга бўлган батрак ва камбағал деҳқонлар колхозларга кирган эди. Қолаверса, ер-сув ислоҳоти жараёнида жамғарилган ер фондининг асосий қисмида колхозлар ташкил этилган эди. 1925 йилда Ўзбекистон ССРда 410 та колхоз бўлган бўлса, 1927 йилга келиб уларнинг сони 832 тага, 1928 йилнинг 1 мартига келиб эса 510 тага етди². 1928 йилда майда артеллар йириклаштирилиб, улар катта колхозларга айлантирилди.

Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини техника воситалари ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда ҳам асосан колхозларга катта эътибор ва имтиёзлар берар эди. Айни вақтда деҳқон хўжаликларини кредит ва ссудалар билан таъминлашда ҳам синфий ёндашув мавжуд эди, биринчи навбатда камбағал деҳқонлар асбоб-ускуна ва кредитлар билан таъминланар эди.

¹ Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана эпохи социализма. – Алма-ата: 1958. – С. 304.

² Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. (Бош муҳаррир И.М. Мўминов) – Т.: “Фан”, 1971. – Б. 478.

3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КООПЕРАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ НАТИЖАЛАРИ

3.1. Қишлоқ хўжалик кооперацияси ва унинг қишлоқ ижтимоий ҳаётида тутган ўрни

Совет мамлакатида 1921 йилда янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан кооперация тизими масаласида янги муаммолар юзага келди. 1918 -1921 йилларда ўз фаолиятини қайта ташкил этиб, кўп миқдордаги деҳқон хўжаликдан қайта ташкил этилишда бир қатор муаммолар кўндаланг бўлди. Компартиянинг X съездида (1921 йил март) озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилишига қарор қилиниши билан бирга кооперация тизимидаги сиёсатни ҳам ўзгартириш масаласи ўртага ташланди. Чунки, янги иқтисодий сиёсат кооперацияларга ҳуқуқий жиҳатдан эркинлик беришни тақозо этар эди.

Кооперация тизимини тубдан қайта қуриш жуда қийин ва узоқ вақт олувчи муаммо ҳисобланар эди. Мафкуравий жиҳатдан майда буржуа назарияси ҳисобланган “мустақиллик”, “эркинлик”, “ўз-ўзини муаммоларини хал қилиш” принциплари йўқ қилинган эди. Шу билан бир қаторда партия органларида бу даврда кооперацияларни давлат тасарруфида тутиш тарафдорлари ҳам жуда кўп эди. В.И.Ленин кооперацияларни мустақил хўжалик ташкилоти сифатида сақлаб қолиш, аҳолининг кенг қатламларини асосан, деҳқонларнинг иқтисодий манфаатларини қондири юзасидан кооперация формаларини кенгайтириш дастурини илгари сурди.

Тинч қурилиш ҳаётига ўтилиши қатор ечилмаган муаммоларни келтириб чиқарди. Булар асосан давлат ва кооператив ташкилотларнинг функцияларини кенгайтириш, кооператив ҳаракатни стимуллаштириш методлари, деҳқонларнинг алоҳида ижтимоий қатламлари иқтисодий қизиқишлари характерини аниқлаш, кооперацияларнинг вақтинчалик хўжалик формаси сифатидаги роли масалалари эди.

1918-1920 йилларда умумдавлат кооперативларини ташкил этишдек катта вазифа кун тартибига кўйилган эди. Бироқ кооперациянинг озиқ-овқат комиссарлигига бўйсунishi унинг мустақиллигини ҳамда ташаббускорлигини кескин чеклаб қўйди. Матлубот, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик-саноат кооперативларининг яқинлашуви кооператив ячейкалари функцияларини ўзаро аниқлаш заруратини юзага чиқарди, бу ячейкалар функцияларини янада мураккаблаштирди. Озиқ-овқат расверсткаси шароитида аҳолининг кооперативларга бўлган қизиқиши пасайиб кетган эди. Бу эса бутун кооперация тизими фаолиятининг заифлашувига сабаб бўлди. Шуниси характерлики, 1921 йил баҳорида кооперациянинг 53 минг тақсимот пунктларидан фақат 15 мингтаси товар айирбошлаш функциясига эга бўлган эди, холос¹.

Совет давлатининг дастлабки йиларидаги кооператив қурилиши тажрибаларини таҳлил қилиш шаҳар ва қишлоқ аҳолисини социалистик асосда кооперациялашнинг ҳақиқий илмий дастурини ишлаб чиқиш заруратини туғдирди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш том маънода майда товар ишлаб чиқарувчиларга бирмунча эркинликлар берди. Бундай шароитда маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун кооперациялар тизимини янги сиёсатга мос равишда ташкил этиш лозим эди. Қисқача айтганда кооперация маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда асосий восита бўлиши керак эди.

Компартия X съезди қарорлари бўйича кооперация тизими янги йўналишда ташкил этила бошлади. Барча турдаги кооперациялар маҳаллий айирбошлаш ташкилотларига бирлаштирилди ва улар умумий давлат маҳсулот айирбошлаш функциясини бажариши кўзда тутилди. Матлубот кооперацияларидан қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик кооперативлари ажралиб чиқа бошлади. Кооперацияларга камбағал қатламларнинг шароити эътиборга олинган ҳолда қатъий аъзолик бадаллари белгиланди. Янги иқтисодий

¹ Аминова Р.Х. Аграрная преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. Ташкент: 1965. – С. 79.

сиёсатга ўтилиши билан кооперацияларга ўз воситалари бўйича хоҳлаган тадбирларни ўтказиш ҳуқуқи берилди. Уларга қуйидан то юқоригача тўла мустақиллик берилди, шунингдек, илгари давлат мулкига олинган иншоот ва бинолар яна кооперативларга қайтарилди¹.

Барча кооперация тизимининг умумдавлат маҳсулот айирбошлаш ташкилотига боғланиши совет давлатининг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ва барча маҳсулотларни ўзаро айирбошлаш учун умумий эквивалентни аниқлаш ва айирбошлаш тартибларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг барчаси янги иқтисодий сиёсат шароитида кооперацияларни ижтимоий моҳиятини аниқлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Бироқ бу даврда ҳам кооперациялар Совет давлатининг раҳбарлигида ва қаттиқ назорати остида фаолият кўрсата бошлади. Бу эса кооперациялар ташаббускорлиги ва мустақиллишини маълум даражада чеклаб қўяр эди. Шунга қарамай, янги иқтисодий сиёсат шароитида кооперацияларнинг хўжалик ишлаб чиқариши борасидаги аҳамияти ошиб, уларнинг бу борадаги фаолияти кенгайиб борди. Кооперациялар фаолияти бозор муносабатлари билан чамбарчас боғланган эди. НЭП шароитида эркин бозор ва кооперациялар муносабати хусусий савдони мувозанатга солишда муҳим восита бўлди. Шу билан бир қаторда кооперациялар НЭП йилларида майда буржуазиянинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди.

Компартия X съезди қарорларидан келиб чиқувчи кооперация сиёсатининг янги вазифалари В.И.Лениннинг 1921 йил 9 майда РКП(б) Марказий Комитети ва барча партия ташкилотларига йўллаган “Кооперация тўғрисида” деб номланган хатида ўз аксини топди. Бу хатда социализм қуриши шароитида кооперацияларнинг сиёсий жиҳатдан тутган ўрни ва вазифалари ҳақида назарий фикрлар илгари сурилган эди. Кооперацияларнинг сиёсий роли, - деб таъкидланган эди хатда, - нафақат миллионлаб аҳоли қатламини бирлаштиришда, балки улар чайқовчиликка қарши курашда, майда ишлаб чиқарувчиларнинг анархистик кўринишдаги фаолиятларини бартараф этишда ҳамда уларни назорат қилишда ҳам ўта муҳим аҳамиятга эгадир”².

НЭП шароитида қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик-саноат кооператив тизимлари олдида бир қанча муаммолар турар эди. Улар зиммасига майда якка хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, уларни электрлаштириш ва механизациялаш асосида техника воситалари билан таъминлаш, фан ва техника ютуқлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш вазифалари юкланган эди.

Компартия Марказий Комитети кооперация масаласида ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида сиёсий ташвиқот ишларини фаоллаштириш учун бу муассасаларга мутахассислар ва коммунистлар сафарбар қилинди. Бироқ, кооперацияларнинг бу даврдаги фаолият кўлами майда хусусий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу компартиянинг дастурларига маълум маънода зид эди. Майда хусусий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш том маънода буржуазияни ривожлантириш ёки капитализмга қайтиш демак эди. Шу сабабли ҳам бу даврда кўплаб коммунистлар кооперация тизимларида ишлашдан бош тортганлар. Кооперацияларни ривожлантириш ғоясига юқори партия органларида, хатто Марказий Комитет ичида ҳам қаршилар жуда кўп эди. Шу боисдан кооперация қурилиши масалалари X, XI, XII партия конференцияларида ҳамда компартия XI съездида кенг муҳокама қилинди.

Кооперацияларни қуйидан то юқоригача хўжалик мустақиллигини тиклаш унинг иш фаолиятидаги қуйидаги принципларни тан олиш билан белгиланди: кўнгилли равишда аъзо бўлиш, моддий манфаатдорлик, аъзолик бадаллари ва пайлар бўйича фойдаларни тақсимлаш. Бу принципларнинг тан олиниши кооперацияларнинг хўжалик жиҳатдан мустақил иш юритишини таъминлади.

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана; эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Т.: “Фан”, 1992. – С. 86-87.

² Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. – М.: 1967. Т.1. – С. 226-227.

Қишлоқдаги тиклаш жараёнлари маҳсулот айирбошлашни жонлантириш билан бошланди. Бу эса матлубот кооперацияларининг нисбатан динамик ривожланиши билан асосланади. Матлубот кооперацияларининг функцияси Халқ Комиссарлари Советининг 1921 йил 7 апрелдаги “Матлубот кооперациялари тўғрисида”ги декрети билан аниқлаштириб берилди. Декретга мувофиқ Центросоюз олдиға маҳсулот айирбошлашни ташкил этиш, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни зудлик билан яхшилаш, саноатни хомашё билан, қишлоқ аҳолисини саноат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Декретнинг бутун мазмунини шаҳар билан қишлоқ ўртасида маҳсулот алмашинувини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қаратилган эди¹. Бироқ оғир иқтисодий шароитлар туфайли кооперациялар барибир давлат манфаатлари учун хизмат кўрсатишга йўналтирилган эди. Бу бир тарафлама мўлжал бир қатор салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлди. Масалан, 1921 йил охирида кооперациялар фаолияти таҳлил қилинганда, умумий ҳолат кўриниши шундай бўлганки, кооперацияларнинг асосий фаолияти саноат ишчилари ва шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат бўлиб қолган, озиқ-овқат етиштирувчи қишлоқ аҳолисини эса зарурий асбоб-жихозлар, ускуналар билан таъминлаш масаласига етарли эътибор қаратилмаган. Яъни қишлоқ шаҳарга етказиб берган маҳсулот даражасида шаҳардан саноат молларини олмаган. Бундан ташқари бир қатор объектив қийинчиликлар ҳам бор эди. Чунончи, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши тобора қисқариб борарди, транспорт ҳам вайрон қилинган эди. Кооперацияларнинг пул ва товар ресурслари ҳали жуда қашшоқ эди, деҳқонларнинг сотиб олиш имкониятлари хануз жуда паст даражада эди.

Кооперациянинг жонланишига давлат томонидан кўрсатилган ёрдам асосий таъсир кўрсатди. Центросоюз социалистик саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида асосий восита сифатида қўйилди. Кооперациялар кредит, солиқ, нарх-наво, маҳсулот билан таъминлаш соҳаларида бир қатор имтиёзларга эга бўлди. Булар кооператив орқали маҳсулот айирбошлашнинг ўсишига жиддий таъсир кўрсатди. Фақатгина 1921 йилнинг сентябридан декабрь ойи ўрталаригача Центросоюзнинг савдо операциялари ҳажми 2 миллиард сўмдан 80 миллиард сўмга-яъни 40 бароварга ўсди. Давлат органларига шартнома бўйича топширилган маҳсулотлар ҳажми 5 мартага ошиб, 30 миллиард сўмдан 146 миллиард сўмга етди¹.

Центросоюз маълумотларига кўра, 1922 йилда кооперация системасининг умумий савдо ҳажми (шаҳар ва қишлоқда) 236 миллион олтин сўмни ташкил этди ёки бутун мамлакатдаги умумий савдо айланмасининг 15-17 фоизини ташкил қилди. Қўйи истеъмол оммасининг фаоллиги ҳам ўса бошлади. 1921 йил 1 октябридан 1923 йил 1 январигача уларнинг сони 9,3 мингдан 11,5 мингга ўсди². Ўз навбатида савдо обороти ҳам ўсди. 1922-1923 хўжалик йилида қишлоқ истеъмолчиларига 154 миллион сўмлик саноат моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди ёки 1921-22 хўжалик йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпроқ бўлди. Аҳолининг қўйи қатламларига нисбатан амалга оширилган савдо 53 фоизга ўсди.

Туркистон қишлоқ хўжалигини тиклашда ва янада ривожлантиришда кооперация сезиларли роль ўйнади. У ўн минглаб алоҳида мустақкам иқтисодий алоқалар ўрнатиши, меҳнат унумдорлигини оширишга, деҳқонларнинг моддий аҳволини яхшилашга, давлат корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлашга ёрдам кўрсатиши зарур эди. Кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалигида устивор ривожланишга эга бўлди. Шу билан бирга дастлабки йилларда Туркистон Автоном Республикасида кредит кооперацияси анча кенгроқ оммалашди. Шуни ҳам айтиш керакки, Туркистон қишлоқларида қарз бериш муаммоси заиф соҳалардан эди. Бу ерда бой-судхўрлик ва савдо капитали асосий мавқени эгалларди. Ундан 1921 -1922 йилларда деҳқонларнинг 80-90 фоизи қарз олди. Давлат йўли

¹ Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. – Москва: 1957. Т.1. – С. 230-233.

² История крестьянства СССР. История советского крестьянства. Т.1. – С. 266.

² Сборник статистических сведений по Союзу ССР, 1918-1923. – Москва: 1963. – С. 334.

билан кредит бериш деҳқон хўжаликларининг фақат 15-20 фоизини таъминлар эди³. Бундай аҳвол шу нарсага имкон бердики, ҳақиқатда монополист бўлиб қолган хусусий капитал тўлашнинг хаддан ташқари юқори миқдорини белгилай оларди.

Бой-судхўрлик ва савдо капиталига қарши кураш воситаларидан бири деҳқонларнинг ўзаро ёрдам жамиятининг ташкил этилиши бўлди. Бу жамият 1923 йилда пайдо бўлди. 1925 йилда Ўзбекистонда бу жамиятнинг 809 та шўбаси бор эди⁴. Ўзаро ёрдам жамиятлари кам қувватли деҳқон хўжаликларига қўлларидан келганча ёрдам кўрсатдилар. Бироқ уларнинг молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятлари чекланган эди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг фаол товарлашуви кейинги йилларда деҳқон хўжаликлари даромадларининг ошиб боришига ва қишлоқ истеъмолчилар иттифоқининг ривожланиши учун қулай шароитларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатди. 1923-24 йилда қишлоқ матлуботи уюшмаларига аъзо бўлган деҳқон хўжаликлари сони 39 фоизга ўсди. Қисқача айтганда, матлубот кооперациялари янги иқтисодий сиёсат талаблари асосида ривожлана бошлади. 1923 йил 28 декабрда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети “Матлубот кооперацияларини кўнгилли аъзолик асосида қайта ташкил этиш тўғрисида” декрет чиқарди. Кооперациялар молиявий ресурсларининг кўпайиши ва унга аъзо бўлишнинг моддий манфаатдорлигининг ошишида муҳим рол ўйнади. Кўнгилли аъзолик принциплари 1924 йил 20 майда қабул қилинган “Матлубот кооперациялари тўғрисида”ги умумиттифоқ декретида ҳам асосий ўрин тутди. Бу декрет кооперациянинг оммавий ташаббускор ташкилот сифатида ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Кооперацияларга қишлоқ аҳолисининг ишончи ва қизиқиши тобора ошиб борди. 1925 йил охирларида матлубот кооперациясининг 25,6 минг уюшмаси мавжуд бўлиб, улар ўзида 9,4 миллион деҳқон хўжалигини бирлаштирган эди. Улар 51,5 мингта турли савдо муассасаларига хизмат кўрсатар эди¹. Бутун иттифоқ бўйлаб кооперациянинг қишлоқлардаги қуйи тармоқлари ривожланиши ва аъзолар сонининг ўсиб бориши кузатилди. Бу эса Центросоюзнинг хусусий савдо капиталига қарши ҳужумини кучайтиришига туртки берди. Матлубот кооперациялари бошқа хўжалик функцияларини ҳам бежаришга киришди. Бу ташкилот тасарруфига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва уни хусусий корхоналарда қайта ишлаш вазифалари ҳам кира бошлади.

Ўзбекистон матлубот кооперацияси янги иқтисодий сиёсат даврида Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичлардан ортда қолган, бунда асосий ўсиш қишлоқ кооперацияси ҳисобига бўлганди. Матлубот кооперацияси ижодий ташаббус сифатида эмас, балки давлат томонидан тепадан туриб тазйиқ ўтказиладиган, унга товар айланишини, чакана савдони назорат остига олиб, бу соҳада хусусий секторнинг эркинлигини чеклаш имконини берадиган орган сифатида қаралар эди. Лекин умуман олганда, давлатнинг ҳомийлик сиёсати республикада матлубот кооперацияси тармоқларини йўлга қўйишда ижобий роль ўйнади. Қуйидаги жадвал матлубот кооперациясининг 1920-йилларнинг ўрталарида жўшқин ривожланишини кўриш имконини беради.

2. Жадвал. 1925-27 йилларда матлубот кооперацияси ривож².

№		1925 йил 1 октябрга	1926 йил 1 октябрга	1927 йил 1 октябрга
1	Матлубот жамиятлари сони, шу жумладан қишлоқда	78; 44	158; 119	190; 152
2	Савдо бирликлари сони, шу жумладан қишлоқда	238; 85	496; 237	745; 416
3	Пайчилар сони	43 274	91034	167011
4	Пай сармояси суммаси	152635	318891	641294

³ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: «Фан», 1957. – С. 69.

⁴ Ризаев Г. Кўрсатилган асар. 15-бет.

¹ 40 лет советской потребительской кооперации. 1917-1957. – М.: 1957. – С. 55.

² Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари (20 йиллар таҳлили) – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. 80-бет.

5	Товар сотиш бўйича қишлоқдаги оборот	2039191	7748679	21000000
---	---	---------	---------	----------

Матлубот кооперациялари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик-саноат кооперацияси тизими ҳам ўз фаолият доираларини кенгайтириб борди. Булар матлубот кооперациялари эҳтиёжи учун эмас, балки қишлоқнинг хўжалик эҳтиёжлари учун хизмат кўрсатар эди. Қишлоқ хўжалик кооперациялари ўз фаолиятини биринчи йўлида йўналтирди. Уларнинг вазифаси партия томонидан қишлоқ хўжалигининг кам қувватли қатламини қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосига қурилишини белгилаб берди. Қишлоқ хўжалик кооперацияси вазифаларига кредит ташкил этиш, қишлоқ хўжалик жиҳозлари таъминоти, ишлаб чиқаришни ҳамкорлик асосида ташкил этиш кабилар билан бир қаторда қишлоқнинг кам қувватли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам кирар эди. Яъни, партия–совет ҳужжатларида таъкидланганидек, камбағал-ўртаҳол деҳқонлар қатламини кулоқлар таъсиридан, уларнинг асоратидан ҳимоя қилиш керак эди.

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1921 йил 16 августдаги “Қишлоқ хўжалик кооперациялари тўғрисида”ги декрети бутунроссия қишлоқ хўжалик кооперацияси (Сельскосоюз) нинг ташкилий тузилишини белгилаб берди. Унинг таркибига колхозлар тизими ҳам киритилди¹.

1923 йилдан бошлаб, очарчилик асоратлари чекиниши билан, қишлоқ хўжалик кооперациялари ҳам ўса бошлади. 1924 йилга келиб Сельскосоюз таркибига 234 област, губерния ва уезд уюшмалари кирди, улар 1041 минг аъзога эга бўлган 17642 бошланғич кооперативларни бирлаштирган эди.

Кооперативларнинг дифференциялашуви ва ихтисослашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кооперативлар ишлаб чиқаришнинг интенсивлашиши, мураккаб техника воситаларининг қишлоққа кириб келиши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қишлоқнинг ўзида бирламчи қайта ишланиш жараёнига деҳқонларнинг қизиқишининг ортишига воситачилик қила бошалди. Қишлоқ хўжалик кооперативларининг ўсиб бориши натижасида, 1923 йил 10 октябридан 1924 йил 1 октябригача ёрдамчи ишлаб чиқариш кооперативлари (машина, мелиоратив, чорвачилик ва бошқа) 2,2 бараварга ўсди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш кооперативлари - сут, ёғ ишлаб чиқариш, боғдорчилик, полиз, лавлаги, картошка ва бошқа кооператив тармоқлари ҳам кўпая бошлади ва улар 22,4 фоизга ўсди². Бу эса қишлоқ хўжалик кооперативларининг махсус тармоқлари марказлари - Лёноцентр, Союзкартофель, Маслоцентр, Плодовинсоюз, Птицеводсоюз ва бошқаларнинг ташкил этилишига имкон берди ва булар деҳқон хўжаликларининг товарлашувининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик кооперативлари тармоқлари қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг стабиллашувига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Қишлоқ хўжалиги бозор билан чамбарчас боғланган районларда кооперативлар юқори кўламда ривожлана бошлади. Тиклаш даврининг охирларида (1925 йил октябри) бутун мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалик кооперацияси 54,8 минг турли кўринишдаги уюшмага эга бўлиб, улар 6,5 миллион деҳқон хўжаликларини ўзида бирлаштирган эди. Кооперацияларга бирлашган хўжаликлар барча деҳқон хўжаликларининг 28 фоизини ташкил этар эди. Алоҳида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган районларда, жумладан картошкачиликда 66-77% деҳқон хўжалиги, сут маҳсулотлари етиштиришда 40-90%, тамакичиликда 80%, лавлагичиликда 80%, пахтачиликда 71,3%, зиғир етиштириш соҳасида 80% деҳқон хўжаликлари кооперацияларга бирлашган эди¹.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан бир вақтда кооперацияларнинг кредит функциялари ҳам жонланиб борди. Вайрон бўлган

¹ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Изд. 9-е. Т.2. – С. 585.

² Советское народное хозяйство в 1921-1925 гг. – М.: 1976. – С. 292.

¹ Кўрсатилган асар. 294-бет.

қишлоқ аста-секин жонланиб, ердан фойдаланишнинг интенсив усуллариға ўта бошлади, чорва ҳайвонлари сони ошиб борди, қишлоқ хўжалик жиҳозлари ҳам янгиланиб, такомиллаша бошлади ҳамда бозор муносабатлари қарор топа бошлади. Бу жараёнлар ўз навбатида деҳқон хўжаликларини кредит маблағларига бўлган катта эҳтиёжини туғдирди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг бошланғич даврида давлат деҳқонларга етарли даражада молиявий ёрдам кўрсатишга қодир эмас эди. НЭП буржуазияси ва қулоқлар камбағал деҳқонларнинг асосий кредит таъминотчилари эди. Шу сабабли, кредит муносабатларини кооперациялаштириш муҳим аҳамиятга эга эди. Деҳқон хўжаликларининг барча қатламларини кооперациялар теварагида бирлаштириш бадавлат қатламларнинг капиталларини мақсадли йўналтириш ва кредит муносабатларини давлат ва жамият назоратига олиш нуктаи назаридан муҳим саналар эди.

РСФСР МИК ва ХКСнинг 1922 йил 24 январдаги “Кредит кооперацияси тўғрисида”ги қарорига асосан, деҳқонлар кредит жамиятлари ташкил этиш ҳуқуқиға эга бўлдилар. Бу даврда деҳқон хўжаликларини арзон ва қулай кредит манбалари билан таъминлаш жуда муҳим эди. Бу кредит деҳқонлар айланма маблағларидаги камчиликни тўлдириш, сифатли ва қўп маҳсулот етиштириш ҳамда судхўрларнинг асоратли чангалидан ҳимоя қилиш мақсадларига йўналтирилиши декретда таъкидланган эди¹.

РСФСР таркибига кирувчи барча автоном республикаларда қишлоқ хўжалик кредитининг губерния, район жамиятлари тармоқлари ташкил этила бошлади. Кредит жамиятларига Давлат банкларининг қишлоқ хўжалик кредити бўлими бевосита раҳбарликни амалга оширар эди.

Кредит кооперациясининг асосий формаси сифатида кредит, ссуда-омонат ҳамкорликлари юзага келди. Бундай ҳамкорликларни ташкил этиш ТАССР Советлари Марказий Ижроия комитетининг 1922 йил 15 августдаги қарорида қабул қилинди. 1923 йил бошларида ТАССР да 275 та кредит, ссуда-омонат ҳамкорликлари фаолият кўрсата бошлади. Улар воситасида қишлоқ аҳолиси қишлоқ хўжалик кооперация орқали кредит билан таъминлана бошлади. Бу қарорга биноан, деҳқон хўжаликлариға ҳамкорликда ерга ишлов бериш қишлоқ хўжалик уюшмаларини ташкил этиш ва хўжаликларни асбоб-анжомлари билан таъминлаш ҳуқуқи ҳам берилди².

ТАССРдаги қишлоқ хўжалик кооперативларига 1922 йил апрель ойида ташкил этилган “Турксельхозсоюз” умумий раҳбарлик қила бошлади. Бу иитифоқнинг кенгайиши ва марказий ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши натижасида 1924 йилда қишлоқ хўжалик кредит кооперацияси қишлоқ аҳолисини кредитлаштиришда етакчилик қила бошлади. Шунингдек, у пахтани кредит орқали контракция қилишда ҳам пахтакорлар билан давлат ўртасида воситачилик қила бошлади³. Кредит миқдори ҳам йилма-йил ортиб борди. Масалан, 1923 йилда экишдан олдинги, чопиқ давридаги ва пахта терими давридаги деҳқонларға берилган кредит миқдори 14.260.406 сўмни ташкил этди. Бу даврда хусусий сармоядорлар томонидан барча пахтанинг фақат 3 фоизи кредитлаштирилди, холос.

Совет давлати 1923 йилда қишлоқ хўжалик кредитининг асосий капиталини ташкил этиш мақсадларига олтин хисобида 30 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди. Кредит жамиятлари сони кескин кўпайиб борди. Агар 1922 йилнинг 1 июлигача бундай кооперативлар 616 та бўлган бўлса, 1923 йил 1 январига келиб улар сони 799 таға, 1 июлида эса 2588 таға, 1924 йил бошларида эса 3850 таға етди⁴.

1923 йил ўрталарида Сельхозбанкнинг Туркистон АССРдаги филиали ҳам ташкил этилди. Сельхозбанк ўз операциялари тизими орқали амалга оширар эди.

1923 йил охирида Туркистонда 1169 та кредит-кооператив жамиятлари фаолият олиб бора бошлади. Унинг асосий аъзолари Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки

¹ Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Т.1. – М.: 1967. – С. 322.

² Голованов А.А., Саидов И.М. Деҳканство Узбекистана на историческом повороте. . . – С. 253.

³ Ўша жойда.

⁴ Сельскохозяйственная кооперация в системе государственного капитализма. – М.: 1962. – С. 127.

воспитачилигида ссуда ва кредит билан таъминландилар.¹ Кредит йилда 2 марта берилган. 1923 йилда унинг миқдори олтин ҳисобида 822605 сўмни, 1924 йилда эса 2176309 сўмни ташкил этди. Бу кредит суммасидан 28 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари баҳраманд бўлдилар.

Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки республикадаги кредит билан таъминловчи ягона муассаса эмас эди. 1923 йил 5 августида Туркистонда Бутунроссия кооператив банкининг бўлими ҳам ташкил этилди. 1923 йилда унинг агентликлари Самарқанд ва Фарғонада ҳам бор эди. Бўлим аъзолари 50 та кооператив муассасадан иборат бўлиб, бу бўлим ўз фаолиятининг 9 ойи мобайнида Туркистон кооперативларига 4015 минг олтин сўм маблағ берган².

Қишлоқдаги кредит сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида СССР Советларининг II съезди (1924 йил январь) қарори билан маҳаллий қишлоқ хўжалик банклари ва кредит ташкилотларини бирлаштирувчи Марказий қишлоқ хўжалик банкни таъсис этди. 1924 йил июлидан Марказий Қишлоқ Хўжалик Банки (МКХБ) ўз операцияларини бошлади. Бу банкнинг дастлабки фаолият активига олтин ҳисобида 40 миллион сўм ажратилди. 1925 йилда эса ҳукумат банкка яна 162 миллион сўм маблағ ажратди. 1924 йил охирида маҳаллий кредит ҳамкорликлари 5 мингга яқин уюшмага эга бўлиб, унинг ҳисоб балансида 85 миллион сўм бор эди. 1925 йил охирига келиб кредит уюшмалари сони 8,6 мингтагача кўпайди ва унинг айланма маблағи 200 миллион сўмга етди. 1924-25 хўжалик йилида 3 миллиондан зиёд деҳқон хўжаликларига кредит ёрдами кўрсатилди. Кредит ёрдами қишлоқ хўжалик кооперациялари орқали амалга оширилди. Бу маблағлар деҳқонларга асосан чорва ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари сотиб олиш мақсадларида берилди. Кам қувватли хўжаликларга ссудалар миқдори ва қайтариш муҳлатларида имтиёзлар берилди.

Хуллас, янги иқтисодий сиёсат шароитида кооператив ҳаракат ўзининг мустаҳкам асосига эга бўлди, товар алмашув муносабатлари ўсиб, деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги ҳам ортиб борди. Деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг алоҳида соҳаларининг турли кооператив тизимлари томонидан қамраб олиниши келгусида кооперативларнинг куйи формаларидан юқори формаларига ўтишга замин тайёрлади.

Тикланиш даврининг хўжалик соҳасидаги ютуқлари кооперациялар тизими учун бир қатор янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муммоларни қўйди. Саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги кўтарилиш бозор муносабатларини тартибга солишни ва тўғри йўлга қўйишни ҳамда кооперация тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этар эди.

Бозор муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини оширишни, товар ишлаб чиқарувчи аппаратни шакллантиришни ҳамда камбағал-ўртаҳол деҳқонлар қатламини асосий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари сифатида қўллаб-қувватлашни тақозо этар эди. Бунинг учун нарх-навони, кредит ва бошқа молия манбаларини назорат қилиб бориш зарур эди. Бунинг учун деҳқон хўжаликлари билан социалистик саноат ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур деб топилди³.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқлардаги кооператив қурилишини назорат қилиб борди ва уни социалистик йўналишга солиб турди. Қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик-саноат кооперативларини давлатдан мустақил ташкилотга айлантириш учун қилинган ҳаракатларга кескин зарба берилди. 1924 йил бошларига келиб, барча кооператив союзларининг юқори ва ўрта бошқарув аппаратида РКП(б)нинг таъсири тўла таъминланган эди. Кооперация тизимининг куйи звеноларида ҳам, бошқарув аппаратида коммунистлар сони йил сайин ортиб борди.

¹ Ризаев Г. Кўрсатилган асар. 69-бет.

² Голованов А.А., Саидов И.М. Кўрсатилган асар. 254-бет.

³ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Изд. 9-е, Т.3. – С. 233.

Компартиянинг XIII съезди ҳужжатларида кооператив ҳаракатнинг истиқболдаги вазифалари белгилаб берилди. Унда кооперацияни ривожлантириш ҳал қилувчи восита сифатида таъкидланди. Деҳқонларни ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи сифатидаги фаоллигини ошириш учун биринчи навбатда уларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш, кооперациянинг барча тармоқларини биринчи навбатда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш зарур эди. Партия ва совет ҳукумати бунинг учун кооперативларнинг қуйи тармоқларига ташаббускорлик имкониятларини бериш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратди. Партия ҳужжатларида деҳқонлар оммасини кооперациялар теварагида бирлаштириш, жумладан камбағал деҳқонлар манфаатига зарар етказилган шароитда бадавлат деҳқон хўжаликларини ҳам кооперативларга жалб этишга қарор қилинган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқларда социалистик асосларнинг кучайтирилишига ва қишлоқни совет ҳукумати томонидан назорат қилишнинг ошиб боришига замин тайёрлади.

3.2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиши

Янги иқтисодий сиёсат шаҳар ва қишлоқ ўртасида товар ишлаб чиқаришга ва товар-пул муносабатларига асосланган нормал иқтисодий алоқалар ўрнатишни кўзда тутди. Бу сиёсат давлатга деҳқонларни экин майдонларини кенгайтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга қизиқтириши ва шу асосда саноатни қайта тиклашга киришиши имкониятини берар эди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг Туркистон ўзига хос бир қанча хусусиятлари бор эди. Жумладан, чоризмнинг муштамлакачилик сиёсати натижасида мамлакатнинг бошқа шарқий районлари каби Туркистон ҳам иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Марказий Россиядан орқада қолган эди.

Партия X съездининг озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисидаги қарорини Туркистон деҳқонлари ҳам хурсандлик билан кутиб олдилар. 1921 йил баҳорида Туркистон АССРда НЭПга амалий ўтиш бошланди. Бутунроссия Марказий Ижроия комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари советининг декретларига асосан, 1921 йил 20 апрелда Туркистон Марказий Ижроия Комитети озиқ-овқат, ем-хашак ва хомашё развёрсткасини натурал солиқ билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1921-1922 йиллар учун бу солиқнинг миқдори Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 1921 йил 10 август қарорида белгилаб берилди. Мамлакатнинг марказий районларидан фарқли ўлароқ Туркистон АССРда йиғиб олинadиган солиқ ҳосил миқдорига қараб эмас, балки экилган ернинг ҳар десятинаси ҳисобидан олинadиган бўлди¹.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш давлат саноатига раҳбарликдаги ҳарбий коммунизм методларидан воз кечишни ва саноатни хўжалик ҳисоби жорий қилиш асосида қайта қуришни талаб этди. Майда ва ўрта саноат корхоналарининг кўпчилиги асосан йирик кооператив ташкилотларига ва уларнинг бирлашмаларига ижарага берилди давлат маблағларининг хали озлиги сабабли капитал маблағларни биринчи навбатда йирик корхоналарни қайта тиклашга, кооперативлар қўлидаги маблағларни саноатни қайта тиклашга сарфлаш мақсадида шундай ислохот ўтказилди.

Пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришга раҳбарлик қилиш учун РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Совети (ВСНХ) ҳузурида Бош Пахта Комитети (Главхлопком) ҳамда пахтакор республикаларда Пахта Комитетлари таъсис этилди. Главхлопком ва унинг маҳаллий органлари ташкил этилганлиги натижасида пахта етиштиришга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ягона ташкилот қўлида марказлаштирилди².

Аввалги пахтакор деҳқонлар иттифоқи ўрнига қишлоқ хўжалик кооператив ширкатлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Пахтачилик кооперацияси деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилишдан озод қилиниб, унинг зиммасида пахта комитетлари билан

¹ Голованов А.А., Саидов И.М. Кўрсатилган асар. 256-бет.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. 267-бет.

биргаликда пахта экишни ташкил этиш ва пахтакорларнинг давлат мажбуриятларини бажаришлари учун кафил бўлиш вазифаси юкланди.

Туркистон қишлоқ хўжалигини қайта тиклашга 1922-1923 йилларнинг ўзида Россия Федерацияси бюджетидан қишлоқ хўжалик кредити учун олтин ҳисобида 3 миллион сўм пул берилди. Туркхлопком пахтакорларга аванслар бериш учун 75 миллиард сўм (эски пул ҳисобида) пул олди. Чегарадош мамлакатлардан республикага чорва моллар сотиб олиш учун кумуш билан бир миллион сўм пул берилди¹.

Туркистон қишлоқ хўжалигини қайта тиклашда ва уни ривожлантиришда кооперация системаси муҳим роль ўйнай бошлади. Кооперацияларнинг аҳамияти РКП(б)нинг XII съездида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Съезд кооперацияни ривожлантиришни асосий хўжалик-сиёсий вазифаларнинг бири деб ҳисоблади.

Туркистон АССРдаги пахтачилик кооперативлари 1921 йилнинг охирида 60 тага етди ва бу кооперативлар 105 минг пахтакор деҳқон хўжалигини бирлаштирди. Пахтачилик кооперацияси пахта экишни ташкил этиш билан шуғулланиб, пахтачилик органларидан саноат ва озиқ-овқат моллари олиб, уларни пахтакорларга бериб турди.

1921 йилнинг сентябрида Туркистон АССР Советларининг Марказий Ижроия Комитети ўлкада қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Деҳқонларга ерни биргалашиб ишлаш, маҳсулотни реализация қилиш ва хўжаликларни қишлоқ хўжалик асбоблари, уруғликлар ва шу кабилар билан таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалик бирлашмалари тузиш ҳуқуқи берилди. 1922 йилнинг апрелида қишлоқ хўжалик кооперациясининг маркази “Турксельхозсоюз” тузилди. Шундан сўнг Ер ишлари Халқ Комиссарлигида қишлоқ хўжалик кооперациясининг бўлим ва секциялари тугатилди.

Пахтачилик кооперацияси вакилларининг 1922 йил февраль ойида бўлиб ўтган Таъсис съезди қарорига биноан, пахтачилик кооперацияси қайта ташкил қилиниб, қишлоқ хўжалигига доир ҳамма ишлар билан шуғулланадиган кооператив ширкатларига айлантирилди. Съезд 1922 йилда пахта экишни ташкил этиш тўғрисида кооперация билан Туркистон Пахта Комитети ўртасида тузилган шартномани тасдиқлади².

1922 йилнинг феврилида пахтакор қишлоқ хўжалик ширкатлари вакилларининг I съезди чақирилди. Съезд пахтачилик ширкатларининг Туркистон Пахта Комитети билан 1923 йил учун тузилган шартномасини тасдиқлади ҳамда пахтачилик кооперациясини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириб, универсал қишлоқ хўжалик кооперациясига айлантириш планини белгилаб берди.

1923 йилнинг ўрталарида Туркистонда 247 та қишлоқ хўжалик ширкати тузилди. Шулардан 169 таси Сирдарё областида ва 71 таси Фарғона областида ташкил этилди. Қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириб, қишлоқ аҳолисини бу кооперацияга тортиш вазифа қилиб олинди.

Туркистон АССРда энг кўп ривожланган кооперация тармоғи бу -кредит кооперацияси бўлди. Республикада ишлаб турган кредит ширкатлари 1924 йилнинг бошида 1168 тага етди. 250 минг деҳқонни бирлаштирган кредит ширкатлари ва қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали аҳолига кредит бериб турилди. Кредит асосан пахтачилик ва чорвачилик хўжаликларини қайта тиклаш учун берилди¹.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан кооперациянинг бошқа тармоқлари ҳам шаклланиб, ривожлана бошлади. Жумладан, 1922 йилнинг ўрталарида республикада 7 та кооператив мелиорация ширкатлари тузилиб, деҳқонлар оммасини ирригация қурилишига тортиш йўлида катта ишлар қилинди.

Туркистон АССРда ирригация иншоотлари қуриш ва ерни машина ёрдамида суғоришни ташкил этиш билан шуғулланаётган мелиорация ширкатлари 1923 йилнинг охирига келиб 29 тага етди. 22160 хўжаликни ўз ичига олган бу ширкатларга 54220

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. – Т.: “Фан”, 1971. – Б. 373.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Стат. сборник. – Т.: 1984. – С. 316.

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. – Б. 379.

десятина суғориладиган ер ва 127850 десятина суғорилмайдиган ер бириктирилган эди. Бу ширкатлар Туркистон АССРда ирригация ва пахтачиликни қайта тиклаш ишига катта хисса қўшди.

Туркистон АССР қишлоқ хўжалиги бераётган бутун маҳсулотнинг қиммати 1923 йилда 1922 йилдагига нисбатан кўпайиб 130 миллион сўмдан 161 миллион сўмга етди. Бу эса урушдан олдинги даражанинг қарийб 1/3 қисмини ташкил қилди. (қишлоқ хўжалигининг ялпи даромади 1913 йилда 480 миллион сўмга тенг эди). Ялпи экин майдони 1 миллион десятинадан 1,5 миллион десятинага етди, 1923 йилда эса 1 миллион 632 минг десятинага етказилди. Пахта экиш билан шуғулланишга 1922 йилдаги 12 минг хўжалик ўрнига 1923 йилда 52 минг хўжалик жалб қилинди. Бу хўжаликларга олтин хисобида 13 миллион сўмлик кредит берилди¹.

Туркистон деҳқонларига қишлоқ хўжалик асбоблари билан ҳам ёрдам бериб турилди. 1923 йилнинг биринчи ярмида деҳқонларга 344 минг сўмлик қишлоқ хўжалик асбоблари сотилди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш борасида катта ишлар қилинди, 1924 йилда шу мақсад учун олтин хисобида 300 минг сўм маблағ берилди.

1924 йилда экин майдонларининг 2/3 қисми қайта ишланди, жами деҳқон хўжаликларининг ¼ қисми кооперациялаштирилди. Суғориладиган ерлар майдони 2,4 миллион десятинага, жумладан пахта экиладиган майдон 500 минг десятинага етди. Деҳқон хўжаликларининг даромади анча ортди.

1924 йил 1 июлдаги маълумотларга қараганда, Туркистон АССРда ташкил этилган қишлоқ хўжалик ва кредит ширкатлар сони 905 тага етган. Кооперативларнинг энг кўпи (республикадаги барча кооперативларнинг 69,5 фоизи ёки 629 та кооператив) пахтачилик районларидаги кредит ширкатларининг сони кооператив хўжаликларининг умумий сонига нисбатан 10,2 фоизни ташкил қилар эди.

Қишлоқ хўжалик, матлубот, мелиорация ва кредит кооперациялари деҳқон хўжаликларини ривожлантиришни социалистик йўлга кўчириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қила бошлади.

Шу билан бирга, Туркистонда айниқса савдо соҳасида хусусий капитал позицияси хали нисбатан мустаҳкам эди. Республиканинг матлубот кооперацияси жами савдо оборотининг фақат 8 фоизинигина ўз ичига олган ҳолда, давлат савдосининг ривожланиш даражасидан орқада эди. Савдо оборотининг 70 фоизи давлат савдоси зиммасига тушмоқда эди. Савдо оборотида хусусий капиталнинг салмоғи 22 фоизни ташкил қилар эди. Хусусий савдогарларнинг, айниқса қишлоқда дўкон ва магазинлари жуда кўп эди.

Хусусий капиталистлар матлубот кооперациясининг заифлигидан фойдаланиб, қишлоқдаги савдони ўз қўлларида ушлаб турардилар. Улар камбағал деҳқонларни оғир шартлар эвазига уруғлик, асбоб-ускуна ва иш ҳайвонлари билан ҳам таъминлаб турардилар.

1924 йил май ойида Туркистон компартиясининг VIII съезди бўлди. Съезд қишлоқ хўжалигини ва саноатни юксалтиришни тезлатиш, кооперация қурилишини жадаллаштириш соҳаларидаги янги тадбирларни белгилаб берди.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиб, ТАССР ўрнида бир нечта республикалар ташкил этилганидан кейин ҳам аграр масала хануз мураккаблигича қолган эди. Жумладан, 1925-29 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ҳам аграр соҳада қутилган натижаларни бермади. Ислоҳотдан кейин камбағал хўжаликларнинг ўртақоллашув жараёни кучайганлигига қарамай, деҳқонларнинг каттагина қисми коллективлаштиришга қадар камқувватлигича ва аслида мустақил хўжалик юритишга қодир бўлмаганлигича қолаверди. Шунини айтиш кифояки, Ўзбекистонда камбағал хўжаликларнинг салмоғи 1928 йилда 43 фоиз бўлган бўлса, бутун СССРда 35 фоиз эди.

¹ Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане накануне коллективизации. – Т.: 1966. – С. 276.

Республикада камбағал, камқувватли деҳқон хўжаликларининг кўплиги уларнинг кооперативлар теварагида бирлашувини тезлаштирди.

Қишлоқ хўжалик кооперацияси, даставвал сотиш ва таъминлаш, сўнгра эса деҳқонларга ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасидаги кооперацияни деҳқонлар учун жуда қулай кооперация формаси деб талқин қилинди. Қишлоқ хўжалик кооперацияси ўзининг сотиш-таъминлаш, кредит ва ишлаб чиқариш функциялари билан майда товар ишлаб чиқарувчиларни эксплуататор унсурларга иқтисодий қарамликдан қутқариб қолишга йўналтирилди. Айни бир вақтда кооперация тарқоқ деҳқон хўжаликларини бирлаштиришни ҳам кўзда тутарди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик кооперацияси Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш ўтказилганидан кейин, айниқса кенг кўламда ривожланди.

Ўзбекистон деҳқон хўжаликларининг кооперативлашуви фоизи бир қатор иттифокдош республикалардагига ва бутун мамлакатдагига қараганда анча юқори бўлди. 1927 йилда у ўрта ҳисобда СССР бўйича 31,5, БССР бўйича 28,4, УССР бўйича 30,5, РСФСР бўйича 29,8, ЎзССР бўйича эса 66,8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларининг кооперативлашув даражаси юқорирок бўлишига сабаб қишлоқ хўжалигининг сотиш-таъминлаш операцияларини ривожлантиришга олиб келган юқори товардорлиги бўлдики, бу операцияларни амалга ошириш ҳар бир хўжаликнинг қўлидан келмас эди. Шу муносабат билан янги иқтисодий сиёсат йилларида қишлоқ хўжалик кооперациясининг фаолияти асосан сотиш-таъминлаш операцияларига қаратилган эди. Унинг вазифаси фақат деҳқон хўжаликларига ёрдам кўрсатишгина бўлмай, балки хусусий кишиларни аста-секин товар оборотидан сиқиб чиқариш эди. Бу ҳол республиканинг саноат билан чамбарчас боғланган қишлоқ хўжалиги шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Имтиёзли кредит бериш, арзон ва мунтазам суратда камайиб борувчи нарх бўйича саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш баҳоларини аста-секин ошириб бориш қишлоқда кооперациянинг хусусий тайёрловчиларга нисбатан устун мавқеда бўлишини таъминлади. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлашнинг ҳаммаси бўйича кооперацияларнинг салмоғи йил сайин ортиб борди. У 1924/25 хўжалик йилида атиги 5,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 1925/26 хўжалик йилида 15 фоиз, 1926/27 йилда 49,4 фоиз, 1927/28 хўжалик йилида эса 68,7 фоизгача кўтарилди.

Қишлоқ хўжалик кооперациясининг роли шундан иборат эдики, у деҳқонларга коллектив хўжалик туйғусини сингдириб, уларни ишлаб чиқариш кооперациясига тайёрлаб, давлатнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини кучайтиришга ёрдам берди.

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик кооперацияси ўз фаолиятини таъминлаш ва сотиш доираси билангина чекланиб қолмади. У шунингдек, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида ишлаб чиқариш алоқасини амалга ошириш, кооперативлашган хўжаликларни қурол-асбоб билан таъминлаш, агротехника ва зооветеринария ёрдамини ташкил этиш соҳасидаги ишларни ҳам маълум даражада амалга ошира бошлади.

Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан кейин, республика сиёсий раҳбарияти қишлоқ хўжалик кооперациясининг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришнинг қўшимча манбаларини топишга киришди. Бу муаммони ҳал қилишнинг йўли сифатида кооперацияларни дифференциаллаштириш танланди. Шу боис, 1926 йил бошларида ЎзКП(б) МК ҳузуридаги Кооперация комиссияси қишлоқ хўжалик кооперациясини ихтисослаштириш масаласини кун тартибига чиқарди. Биринчи навбатда пахта етиштиришга ихтисослаштирилган “Ўзпахтасоюз” тизимидаги мустақил кооперацияга асос солиш таклиф қилинди. Кейинчалик эса, қишлоқ хўжалик кооперациясининг бошқа тармоқлари - чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик-сабзавотчилик ва ипакчилик кооперациялари ҳам алоҳида тизим сифатида ажралиб чиқиб, ихтисослаштирилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик кооперацияси турли артеллардан ташкил топган кучли тизимга айланди. 1928 йилда у 13 та уюшмага ва 2 та ташкилий

бюрога эга эди. Ҳар бир ихтисослашган тизим тегишли тармоқнинг барча функцияларини ўзида жамлаган эди.

Даставвал қишлоқ хўжалик кооперацияси асосан пахтачилик районларида (Андижон, Фарғона, Тошкент) кенг ёйилган бўлса, 1926-1928 йилларда у бошқа районларда ҳам интенсив ривожланди. Зарафшон округида 1926 йил 1 январидан 1928 йил октябригача кооперативлар сони 3 баробар, Қашқадарё округида 9,7 баробар, Хоразм округида деярли 11 баробар ўсди¹.

Қишлоқ хўжалик кооперациясининг ривожига Қишлоқ хўжалик банки сезиларли таъсир кўрсатди. Бу банк томонидан чиқарилган кредит маблағлари асосан, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари сотиб олишга ва ирригация-мелиорация ишларини ташкил этишга йўналтирилди. 1924-1925 йилларда Ўрта Осиё банки томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги камбағал деҳқон хўжаликларига 3,975,2 минг сўм тарқатилди. Бу билан бир вақтда деҳқон хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида машина прокат пунктлари ва ремонт устaxonалари ҳам ташкил этилди. 1928 йил охирида республикада 100 дан ортиқ машина-прокат пунктлари ва қарийб 110 ремонт устaxonалари фаолият кўрсатар эди².

1927-1928 йилларда пахтачилик кооперацияси тизимида 51 та машина прокат пункти ва 44 та устaxона ташкил этилди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, пахтачилик кооперацияси ижобий натижалар берди. Мамлакат саноатини пахта хом ашёси билан таъминлашда пахтачилик кооперациясининг салмоғи бошқа тармоқларга қараганда юқори бўлди. 1927 -1928 йилларда РСФСР саноатига юбориладиган пахтанинг деярли барчаси Ўзбекистон кооператив бирлашмаларида етиштирилган эди.

Матлубот уюшмалари фаолияти ҳам интенсив ўсиб борди. Фақат 1924 йил октябридан 1926 йил апрелигача матлубот жамиятлари тармоғи 80 фоизга ўсди, пайчи-аъзолар сони эса 166,6 фоизга кўпайди. Бу соҳадаги миқдорий ўсишлар билан бир қаторда сифат ўзгаришлари ҳам кузатилди. Унинг ижобий жиҳатлари матлубот союзларида товар алмашинувининг кучайишида намоён бўлди. Масалан, қишлоқ матлубот жамиятларининг капитал маблағлари 1925 йил 1 октябрда 46 720 сўм бўлган бўлса, 1926 йил 1 апрелида у 110 216 сўмни ташкил қилди. Матлубот уюшмаларининг қишлоқ ва овуллардаги савдо ташкилотлари ташкил этишдаги роли ҳам кескин ўсди.

Қайд қилиб ўтиш жоизки, 1925 йилдан 1928 йилгача кооператив савдонинг умумий ҳажми қишлоқда 17,1 фоиздан 45,3 фоизга кўтарилди. Бошқача айтганда, кооператив савдонинг қишлоқлардаги тармоғи барча турдаги савдо ишларининг деярли ярмини эгаллади. У хусусий савдога жиддий рақобатчиға айланиб борди. Матлубот союзлари қишлоқларга товар етказиб бериш бўйича давлат ва кооператив ташкилотлари билан янада фаол тарзда шартномалар туза бошлади. Шартномадаги товарлар матлубот жамиятлари магазинлари тармоғи орқали сотила бошлади. Шу билан бир қаторда матлубот кооперацияси шаҳар аҳолисига сотиш ёки саноат маҳсулотларига айирбошлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишни ҳам кенгайтирди¹.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш даврининг охирига келиб, (1926 йил) ишларнинг миқёси универсал қишлоқ хўжалик кооперациясининг қудрати етмайдиган даражада етди. Ҳар бир экинни парвариш қилишга хос хусусиятларни ҳисобга олиб, деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқариш хизматини яхшилаш мақсадида кооперация 1926 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ихтисослаштирила бошлади. Универсал кооперация бўлган “Ўзбексельсоюз”дан 1926 йилда пахтачилик кооперацияси, кейинчалик эса чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва бошқа турдаги кооперациялар ажралиб чиқди. Бундан ташқари, 1923 йилдаёқ мелиорация кооперацияси фаолият кўрсата бошлаган эди. 1925

¹ Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX вв. – Самарканд: 2007. – С. 266.

² Кўрсатилган асар. 268-бет.

¹ Кўрсатилган асар. 271-бет.

йилда эса кредит кооперативлари фаолият кўрсата бошлади. Кооперациянинг ана шу барча хиллари: марказий бошқарув-район союзи-ширкат схемаси бўйича тузилган эди.

Ихтисослаштирилган кооперативлар экинларни контрактация қилар, деҳқонларга кредит берар, уларни асбоб-анжом, уруғлик, ўғит, ғалла, чорва учун ем-хашак билан таъминлар эди. Улар ишлаб чиқариш ва сотиш-таъминлаш фаолияти билан бир қаторда деҳқонлар орасида катта маданий-оммавий ва сиёсий-тарбиявий ишларни ҳам олиб борарди.

ВКП(б) XV съезди қишлоқ хўжалик кооперациясининг махсус ихтисослашган хиллари барпо этилганлигини маъқуллаб, “кооперативлаштиришнинг бундай хилларини сотиш ва таъминотни кооперативлаштиришдан яқка деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқаришини умумлаштиришга аста-секин ўтишнинг энг тўғри воситаси сифатида янада ривожлантириш зарур”¹, деб ҳисоблади.

Кўриб чиқилаётган даврда Ўзбекистонда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик кооперациясининг асосий турларини қисқача тавсифлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1927 йил январда “Ўзбексельсоюз” қошидаги пахта бюроси томонидан ва пахтачилик ташкилотининг республика марказий органи кооперациясининг мустақил яшашига асос солди. Бу кооперация кооперациянинг ихтисослаштирилган хиллари орасида энг қудратлиси эди. “Ўзбексельхозсоюз” системасида иш кўрган ва 350612 аъзони бирлаштирган 372 қишлоқ хўжалик ширкатидан “Ўзбекхлопкосоюз” системасига 334500 хўжалиги (96,6 фоиз) бўлган 256 ширкат ўтди.

Асосий ишни таъминот моллари сотиш операцияларидан деҳқонларга ишлаб чиқариш хизмати кўрсатишга кўчириш “Ўзбекхлопкосоюз” фаолиятдан биринчи қадам бўлдики, бу партия XV съезди қарорларига мувофиқ эди. Съезд қарорида бундай деб кўрсатилган эди: “Камқувват, асбоб-ускунасиз деҳқон хўжаликларини ўз ускуналаридан камбағалларни асоратга солиш учун фойдаланувчи қулоқ унсурларга қарамликдан қутқариш учун кураш кучайтирилсин, бунинг учун қишлоқ хўжалик кооперациялари хузурида камқувват хўжаликларга енгил шартлар билан машиналар берадиган ҳамда ерни ишлаш, ҳосилни йиғиб олиш ва хоказоларда биргалашиб ишлаш пунктлари, давлат прокат пунктлари билан бир қаторда кенгайтирилсин”².

Давлат кадрлар тайёрлаш ва моддий база тайёрлашда қишлоқ хўжалик кооперациясига катта ёрдам кўрсатди. Пахтачилик кооперацияси системасида у мустақил иш кўрган дастлабки йиллардаёқ 1500 инструктор, механик, рулевик, технорук тайёрланди, машина прокат қилиш пунктлари ва ремонт устахоналари ташкил этилди.

1927 йилдан 1928 йилгача машина прокат қилиш пунктларининг сони 44 тадан 288 тага етди, ремонт устахоналарининг сони эса 74 тадан 81 тага етди. Ҳар бир машина прокат қилувчи пункт ўрта ҳисобда 5 та от плугича, 4 та боронага, 4 та пахта сеялкасига, 4 та культиваторга, 3 та окучка қилувчи машинага, 10 та отга ва хоказоларга эга эди³.

Пахтачилик кооперативлари ўз аъзоларини имтиёзли баҳолар билан қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари билан таъминлаб, қувватсиз деҳқон хўжаликларининг судхўрлар асоратидан қутулиб олишига ёрдам берди. Кооперативлар пахтачиликда алмашлаб экишни ҳамда ғўзани парвариш қилишнинг бошқа агротехник усуллари жорий этиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашни кучайтириш соҳасида катта ишлар қилдилар. 1928 йилдаёқ пахтачилик кооперацияси 188 ходим бўлган 99 агропунктга эга эди, 1929 йилда эса уларнинг ходимлари 711 кишига етди.

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг ҳисобот маълумотларига кўра, агропунктлар Фарғона областида кооператив хўжаликларнинг 62, Самарқанд ва Андижонда 53, Қашқадарёда 83, Хоразмда 79 фоизга, республика бўйича эса ўрта ҳисобда 45 фоиз хўжаликка хизмат кўрсатдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг оммавий тарзда

¹ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т.2. изд.9-е. – Москва: 1968. – С. 546.

² Кўрсатилган манба. 546-бет.

³ Сельски хозяйство Узбекистана за 15 лет. 1924-1939 гг. Статистический сборник. – Т.: 1939. – С. 62.

кооперацияга киришини рағбатлантирди. 1928 йилнинг ўзида кооперативлашган хўжаликлар сони 471535 тадан 655050 тага етиб, барча пахта экувчиларнинг 99,4 фоизини ташкил этди¹.

Бир қатор қийинчиликларга қарамай, пахтачилик кооперациясининг фаолияти ижобий натижалар берди. 1926 йилда кооперативлашган деҳқонлар кучи билан 328,9 минг десятина ерга пахта экилган бўлса, 1927 йилда кооперативлашган пахтакорларнинг сони 32,74 фоиз кўпайган ҳолда 438,1 минг десятина майдонга пахта экила бошланди².

Уруғчилик ишини яхшилаш соҳасида ҳам пахтачилик кооперациясида катта ишлар қилинди. 1926 йилда яхши навли уруғлар 90424 десятина ерга экилган бўлса, 1927 йилда 258835 десятина ерга экилди.

Пахтакор хўжаликларга бериладиган аванс миқдори ҳам ортиб борди. Уларга 1926 йилда 25429036 сўм аванс берилган бўлса, 1927 йилда эса 35616081 сўм берилди³.

Мелиорация кооперациясининг вужудга келиши ва мустақил иш кўришини суғориладиган деҳқончилик шароитида ирригациянинг қишлоқ хўжалик ишлар чиқаришининг энг муҳим омили сифатидаги аҳамияти тақозо этди. ВКП(б) XV съездида ҳам бу ҳақда: “ирригация системаси пролетар давлати қўлида ишлаб чиқариш жараёнининг қудратли регуляторига ҳамда камбағал ва ўртаҳол деҳқонларни қўллаб-қувватлаш куралига айланиши мумкин”⁴ дейилган эди.

Мелиорация ширкатларининг вазифалари суғориш тизимларини тўғри эксплуатация қилиш, яхшилаш ва ривожлантириш, гидротехника иншоотларини қуриш ва ремонт қилиш, сувни тежаш йўли билан партов ва бекор ётган ерларни оборотга киритиш ишларидан иборат эди.

Давлат узоқ муддатга (3 йилдан 10 йилгача) берадиган кредитлар ва ширкат аъзоларининг пай бадаллари мелиорация кооперативи фаолиятининг молиявий асосини ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда мелиорация кооперацияси суғориш ишларига 1753 минг сўм ва ширкат аъзолари маблағларидан 644 минг сўм сарфлади. Бундан ташқари, ирригация ишига ширкат аъзолари жуда катта меҳнат сарфладилар.

Суғориладиган деҳқончиликни тубдан ўзгартиришда мелиорация кооперациясининг муҳим ролини унинг сафлари бетўхтов ўсиб борганлиги ҳам тасдиқлайди. Чунончи, 1925 йил охирига келиб Ўзбекистон ССРда сувдан фойдаланувчи 186200 деҳқонни бирлаштирган 65 мелиорация ширкати иш кўрган бўлса, 1928 йил 1 октябрга қадар 122 мелиорация уюшмаларида 261653 киши бўлса, 1928 йил 1 октябрда эса мелиорация ширкатларининг сони 223 тага етиб, уларнинг аъзолари 350741 кишидан иборат бўлган.

1923 йилдан 1927 йилгача мелиорация ширкатларининг фаолияти билан 39587 гектар майдонда суғориш тизими яхшиланди ва 30356 гектар ер янгидан суғорилди. Кўрсатилган давр мобайнида мелиорация ширкатлари суғорган майдон деярли беш баравар кенгайди¹.

Мелиорация кооперациясининг аъзолари ирригация системасини яхши ҳолатда тутиш ва эксплуатация қилиш соҳасидаги муштарак меҳнатнинг афзалликларини амалда кўриб ишонч ҳосил қилдилар. Бу билан мелиорация кооперацияси деҳқонларни иқтисодий бирлаштириш омили бўлиб хизмат қилди.

Пахтачилик хўжаликларининг оборот маблағларга эҳтиёжи катта бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалик кредит кооперациясининг фаолияти катта роль ўйнади.

Кредит ширкатлари ўз аъзоларига имтиёзли шартлар билан узоқ муддатли ссудалар бериб, деҳқон хўжаликларини қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, от-улов билан

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. 473-бет.

² Кўрсатилган асар. 474-бет.

³ Кўрсатилган асар. 476-бет.

⁴ КПСС резолюцияларда... Т.2. 540-бет.

¹ Промышленность Узбекистана. Краткий очерк развития (1913-1938). – Т.: УзФАН СССР, 1941. – С. 196.

таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бердилар, хўжаликни коллектив усулда юритишнинг афзалликларини ташвиқот қилдилар.

Кредит кооперацияси сафларининг бетўхтов ўсиб бориши унинг кенг деҳқонлар оммаси ўртасидаги обрўйдан далолат беради. Масалан, 1926 йил 1 январга қадар унинг 255,3 минг аъзоси бўлган бўлса, 1927 йил 1 январгача 401,0 минг кишига ва 1928 йил 1 январигача эса 556,7 минг кишига етди, бу деҳқон хўжаликларининг 71 фоизи деган гап эди.

Деҳқонларга берилган кредитлар миқдори ҳам жуда катта рақамни ташкил этди. Масалан, 1928 йилда пахтакорларга аванс тариқасида 45 миллион сўм берилган бўлса, шундан 40 миллион сўмини 200 минг камбағал деҳқон хўжаликлари олдилар.

Жойларда кредит беришга оид маълумотлар ҳам қишлоқ хўжалик кредит кооперациясининг жуда фаол иш курганлигидан далолат беради. Чунончи, Андижон округидаги Қишлоқ хўжалик банки 1926/27 йилда узоқ муддатли 761,8 минг сўм, қисқа муддатли 1368,9 минг сўм кредит берди, 1927/28 йилда якка деҳқонларга узоқ муддатли 1747,2 минг сўм, қисқа муддатли 2303,4 минг сўм, колхозларга узоқ муддатли 356,0 минг сўм, қисқа муддатли 55,2 минг сўм кредит берган¹.

Камбағал хўжаликларга кредит маблағлари тарқатишда қишлоқ хўжалик банки бошқаруви раиси И. Хидиралиевнинг фаолияти диққатга сазовордир. У бутун фаолиятини кредит ширкатларини мустаҳкамлаш ва кучайтиришдек мураккаб ишга сафарбар этди. Бу соҳада ўз даврида «Правда» газетаси: «Ўртоқ Хидиралиев Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик кредити ишларини шундай яхши йўлга қўя олдики, унинг кредит атрофида жамоатчиликни ташкил қилишдаги, қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари соҳасидаги ишларининг намуналари махсус ўрганишга ва ССР Иттифоқининг бошқа районларида ҳам татбиқ қилишга сазовордир» - деб ёзган эди.²

Куйи кооператив ташкилотларнинг аниқ ишини Самарқанд округ Пастдарғом районидаги Чархин қишлоқ Советининг қишлоқ хўжалик ширкати мисолида яққол кўрсатиб бериш мумкин. «Камбағал деҳқон» газетасининг 1928 йил 11 январь сонидан ана шу кооператив ҳақида мана бундай хабар берилган: «Пастдарғом районидаги «Чархин» қишлоқ хўжалик ширкатининг иши йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Ширкатнинг 3188 аъзоси бўлиб, у 1927 йилда ўзининг камбағал аъзоларига қарийиб 55 минг сўмлик узоқ ва қисқа муддатли кредит берди.

Бундан ташқари ширкат ўз аъзоларига уруғлик ва буғдой сотиб олиш учун 19 минг сўмга яқин пул тарқатди. Ширкат 13 қишлоқ хўжалик ва 2 машина артелини бирлаштирган. Ширкат артелларга ва ўз аъзоларига 1707 дона молотилка (ғалла янчадиган машина) ва 1300 та омов тарқатди.³

Шундай қилиб, 20-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик кооперацияси кенг қулоқ ёйган эди. Оммавий коллективлаштириш бошланишига қадар унинг хилма-хил формалари республикада 600,9 минг (81 фоиз) деҳқон хўжаликларини ўз ичига олган эди.

Кооперацияларнинг социал таркиби эксплуататор унсурларни чеклаб қўйиш ва сиқиб чиқариш сиёсатида мувофиқ тарзда ўзгартириб борилди. 1926 йилда турли ҳудудлардан олиб текширилган 14 қишлоқ хўжалик ширкати таркибида 42,5 фоиз камбағаллар ва батраклар, 45,5 фоиз ўртаҳол деҳқонлар ва 12 фоиз бадавлат деҳқонлар бор эди. Шуниси ҳам борки, бадавлат деҳқонлар гуруҳида кейинги йилларда ўтказилган кооперацияни тозалаш ишлари кўрсатганидек, бой-қулоқ хўжаликлари ҳам бор эди.

Давлат қишлоқ хўжалик банки таъсис этилганидан кейинги дастлабки йилларда (1923-1924 йиллар) қишлоқ хўжалик кредитини тақсимлашда айрим хатоларга йўл

¹ Давыдов А.М., Аграрные преобразования и формирование социалистического землепользования в Узбекской ССР. – Т.: «Наука», 1965. – С. 148.

² Шамсутдинов Р. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиб. – Андижон: 1991. 77-78-бетлар.

³ Подготовка условий сплошной коллективизации сельского хозяйства Узбекистана (1927-1929 гг.) Сборник документов. – Т.: Изд. АН УзССР, 1961. – С. 362.

қўйилган бўлса (кредит асосан бадавлат хўжаликларга бериларди), ундан кейинги даврда кредитни асосан камбағаллар истеъмол қиладиган бўлдилар. Қишлоқ хўжалик банки томонидан берилган кредитлар 1924-1925 йилдаги 4 миллион сўмдан 1926-1927 йилда 15 миллион сўмга етди, бунинг устига уларнинг қарийб 70 фоизи камбағал хўжаликларга берилди.¹

1928 йилда камбағаллар гуруҳи 95,2 фоиз узоқ муддатли ва 84,7 фоиз қисқа муддатли ссудалар, ўртаҳол гуруҳ 4,8 фоиз узоқ муддатли ва 15,3 фоиз қисқа муддатли ссудалар олди, бадавлат қатламларга эса умуман кредит берилмади.

Шундай қилиб, давлатнинг қишлоқ хўжалик кооперациялари орқали амалга оширилган кредит тақсимооти ҳам синфий характерга йўналтирилган бўлиб, фақат камбағал деҳқонлар манфаати учун хизмат қилди.

3.3. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

Қишлоқдаги тикланиш жараёнлари асосида майда деҳқон ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ривожда икки тенденция кузатилди. Якка ишлаб чиқарувчи хўжалик биқик ҳолдаги ишлаб чиқаришдан бозор муносабатларига юз тута бошлади. Бу бир томондан қишлоқда қулоқ деб аталган, ўзига тўқ, бадавлат деҳқон хўжаликларининг пайдо бўлишига ва улар сонининг ортишига олиб келди. Бу жараён билан бир вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида социалистик тенденциялар ҳам ривожланиб борди. Бу ижтимоий ривожланиш кооператив қурилиши ҳаракатида ҳам намоён бўлди.

Қулоқлар, хусусий савдогарлар ва саноатчилар янги иқтисодий сиёсат даврида хусусий кооператив бирлашмалар ташкил этиш ташаббусини илгари сурдилар. Уларнинг бундай ҳаракатига кооператив уюшмаларига кирмаган якка, хусусий кооперативларнинг кўп миқдорда мавжуд бўлгани сабаб бўлган эди. Бундай сохта кооперативларга қарши компартия ва совет ҳукумати кескин кураш олиб борди. Бундай хусусий кооперативлар кўплаб камбағал деҳқонларни ўз эътиборига тортган эди.

Кооперациялаштиришнинг ташкилий формалари шахсий, жамоавий ва умумдавлат манфаатларига қаратилган шаклларда ташкил топа бошлади. Бу ролни умумиттифоқ ва республика кооператив тизимига қиравчи кооперативлар бажара бошлади. Албатта, кооперациянинг қолхозларгача бўлган кўринишларида асосан савдо кооперативларида буржуа муносабатлари сақланиб қолган эди. Кооперативлар йирик хўжаликлар учун катта фойда келтирар эди. Бундай имкониятдан кўпроқ қулоқлар ва хусусий савдогарлар фойдаланардилар. Бироқ, кооперация ҳаракатининг ягона тизим асосида ривожланиши, камбағал-ўртаҳол деҳқонлар оммасининг улар томонидан жалб қилиниши буржуа муносабатларининг чекланиб боришига олиб келди. Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилишида кооперация асосий воситачилик ролини бажарди.

Янги иқтисодий сиёсат шароитида аҳолининг кенг қатламларининг кооперациялаштирилиши маълум даражада социализм қурилиши борасидаги муваффақиятларни ҳам таъминлади. Бу борадаги муваффақиятлар тиклаш даврининг охиридаёқ қўзга ташланди. Центросоюз маълумотларига кўра, 1923 йилдан 1925 йилгача матлубот кооперацияларига бирлаштирилган деҳқон хўжаликлари 5,3 миллиондан 9,4 миллионга кўтарилган. Бу барча деҳқон хўжаликларининг 37 фоизини ташкил этган. Қишлоқ хўжалик кооперацияларида эса 1925 йилда 6,6 миллион деҳқон хўжаликлари бўлиб, улар барча деҳқон хўжаликлари бўлиб, улар барча деҳқон хўжаликларининг 28 фоизини ташкил этган². Бироқ алоҳида республикаларда бу кўрсаткич айрим фарқларга эга бўлган. Қуйидаги жадвалда 1925 йилда айрим республикалардаги қишлоқ хўжалик кооперациялари миқдори кўрсатилган.

3-жадвал. 1925 йилда қишлоқ хўжалик кооперациялари миқдори³

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. – Т.: “Фан”, 1971. 477-бет.

² Советское народное хозяйство в 1921-1925 гг. – Москва: 1960. – С. 262.

³ История крестьянства СССР... Том 1. – С. 292.

№	Республикалар	1921 йилда қ.х. кооперативлари сони	1925 йилда қ.х. кооперативлари сон	1921 йилдаги аъзолар сони (минг)
1	РСФСР	21200	40478	4521,7
2	Белоруссия ССР	73	1358	142,3
3	Украина ССР	2507	11320	1334,5
4	ЗСФСР	70	645	135,6
5	Ўзбекистон ССР	190	858	388,3
6	Туркменистон ССР	20	154	66,4
	СССР бўйича	24060	54813	6588,9

Янги иқтисодий сиёсат шароитида кооперативлар таркиби ҳам аста-секин алмашилиб борди. Қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик-саноат кооперативларининг тикланиши билан унинг аъзоларини биринчи навбатда ўз маблағлари ва ресурсларини кооперативлар орқали қўллашга қодир бўлган қишлоқнинг бадавлат хўжаликлари ташкил этди. Ишчи-деҳқон инспекциясининг 1923 йилдаги текширишлари яқунларига кўра, аксарият жойларда кооперативлар бошқарувида қулоқлар ва собиқ савдогарлар асосий ўринни эгаллаганлар. Қишлоқ хўжалик кооперациясига аъзо бўлган умумий деҳқон хўжаликлари таркибида қишлоқнинг бадавлат қатламлари салмоғи анча юқори бўлган. Бироқ, қишлоқ камбағалларининг совет ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида кооперативлар таркибидаги мувозанат мувофиқлашиб борган. Барча кооператив тизимларида камбағал деҳқон хўжаликлар учун энг кам аъзолик бадаллари жорий қилинди ва бу бадалларни тўлаш муддатида ҳам имтиёзлар белгиланди. Бу билан қўшимча равишда эксплуататорлик имкониятларини чеклаш мақсадида биттадан ортиқ пайларнинг қўшимча хўжалик имтиёзлари бекор қилинди. Шунингдек, қулоқ хўжаликлари кооперативлар бошқарувидан ҳам четлаштирила бошланди. Хусусий савдогарлар ва сиёсий кўринишлар бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган хўжаликлар матлубот кооперативларига кириши таъқиқланди.

Тикланиш даврининг охирига келиб, камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар қатламининг кооперативлардаги салмоғи сезиларли даражада ўсди. 1924-1925 хўжалик йилида қишлоқ хўжалик кооперативлари таркибида камбағал хўжаликлар 24,5 фоизни, ўртаҳоллар 67,5 фоизни, бадавлат хўжаликлар эса 8 фоизни ташкил этди¹.

Ўз навбатида деҳқон хўжаликларининг ер, чорва ҳайвонлари билан таъминланиш ҳолатида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бундан ҳам кўриниб турганидек, деҳқон хўжаликлари ўз яшаш шароитлари ва хўжалик фаолиятларининг яхшиланишида бозор муносабатлари ва кооперациянинг аҳамиятига тушуниб етидилар ва уларга бўлган қизиқиш тобора ортиб борди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилганидан кейин, матлубот кооперацияларига аъзолик ҳам ихтиёрийлик асосида амалга оша бошлади. Бу ҳол унинг ижтимоий таркибини тартибга солиб туриш заруриятини юзага келтирди. Камбағал қатламларга кенг имтиёзлар бериш, бадавлат хўжаликларга нисбатан чеклаш сиёсати қўллаш матлубот кооперацияларида ҳам амал қила бошлади.

Ишлаб чиқаришни товарлаштириш масаласи махсус тармоқ бўлинмаларини ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Қишлоқ хўжалик кооперацияси таркибида универсал типдаги зиғирчилик кооперативлари (9,9 минг ҳамкорликда 1,5 миллион хўжалик), сутчилик (5,8 минг ҳамкорликда 997 минг хўжалик), мева-сабзовот кооперативлари (2,6 минг ҳамкорликда 527 минг хўжалик), паррандачилик кооперативлари (480 ҳамкорликда 140 минг хўжалик), тамакичилик кооперативлари (208 ҳамкорликда 63 минг хўжалик), пахтачилик кооперативлари (767 ҳамкорликда 352,8 минг хўжалик) фаолият кўрсата

¹ Советское народное хозяйство в 1921-1925 гг. – С. 293.

бошлади¹. Бу кооперативларнинг фаолияти тайёр маҳсулот етиштириш, чорва ҳайвонлари сотиб олиш, меҳнат куроллари, уруғчилик, ўғит, қурилиш материаллари сотиб олиш билан боғлиқ эди. 1923/1924 хўжалик йилидан 1925/1926 хўжалик йили орасида қишлоқ хўжалик кооперациясининг товар обороти 3 баробар кўпайди. Маҳсулот тайёрлаш хажми ҳам кескин ўсиб борди. Бу саноатга нисбатан қишлоқ хўжалигининг юқори суръатлар билан ўсиши билан боғлиқ эди. Кооперативларнинг иктисосолашув жараёни ҳам давом этди, жумладан қишлоқларни кенг истеъмол моллари билан таъминлаш матлубот кооперацияси зиммасига ўта бошлади.

Йил сайин ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иқтисодий иттифокнинг мустақамланишида ҳам кооперациянинг роли ошиб борди. Унинг аппарати воситасида давлат тиклаш даврининг охирида 29 фоиз ғалла тайёрлашга муваффақ бўлди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноат корхоналарини хомашё билан таъминлашда (21 фоиз зиғир, 75 фоиз пахта, 44 фоиз қанд лавлаги, 45 фоиз махорка, 50 фоиз тамаки ва бошқалар) кооперациянинг хиссаси катта бўлди. Умуман, 1925-26 хўжалик йилида қишлоқ хўжалик кооперативлари саноатга етказилган зиғирнинг 26,5 фоизини, пахтанинг 76,5 фоизини, қанд лавлагининг 45 фоизини, махорканинг 61 фоизини, тамакининг 77 фоизини таъминлади.²

Ўз навбатида шаҳардан қишлоққа маҳсулот етказиш миқдори ҳам ўсди. Қишлоқ хўжалик кооперациясининг қуйи тармоқлари орқали қишлоққа машиналар етказиш 1921 йилдан 1925 йилгача 11 мартага кўпайди.³ Қишлоқ хўжалик кооперацияси бу йилларда деҳқон хўжаликларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашда асосий воситачига айланди. 1924/25 хўжалик йилида қишлоқларга сотилган қишлоқ хўжалик машиналарининг 75 фоизи қишлоқ хўжалик кооперациялари хиссасига тўғри келди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигига етказиб берилган ўғит, уруғлик, зараркунандаларга қарши воситаларнинг асосий қисми кооперациялар орқали етказиб берилди. 1926 йилда эса махсус уруғчилик кооперативлари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Қишлоқ хўжалик кооперациялари фаолиятининг энг муҳим жиҳати шунда кўриндики, товар айланмаси асосан ишлаб чиқаришга хизмат қилди. Биринчи навбатда кооперация шаҳар саноат маҳсулотлари билан таъминлади. Иқтисодий алоқалар ишчилар синфи билан деҳқонларнинг манфаатларига бир хилда ижобий таъсир кўрсатди.

Қишлоқ хўжалик кооперациясининг кредит маблағлари мақсадли йўналтирилди, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, камбағал-ўртаҳол деҳқон хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилди. 1922-1923 йиллар давомида Давлат банки орқали чиқарилган 16,6 миллион сўмнинг 5,3 миллион сўми қишлоқ хўжалигини машиналар билан таъминлаш учун, 3 миллион сўми ишчи ҳайвонлари сотиб олиш учун, 2,1 миллион сўми совхозлар қурилиши учун, 1,4 миллион сўми мелиорация мақсадлари учун, 1,3 миллион сўми минерал ўғитлар ва ҳайдов учун, 1,9 миллион сўми техника экинлари майдонини кенгайтириш учун деҳқон хўжаликларига кредит тариқасида берилди.⁴

Деҳқон хўжаликларига бериладиган кредит миқдори ҳам йил сайин кўпайиб борди. 1923-1924 хўжалик йилида давлат қишлоқ хўжалик жиҳозлари сотиб олишга 6,9 миллион сўм ажратди, 1924-1925 йилда эса бу мақсад учун 28,3 миллион сўм ажратилди. Кредит ҳамкорликларида кредит маблағларининг асосий қисми камбағал деҳқонларга берилди, натижада камбағал хўжаликларининг аксарияти ўртаҳол деҳқонлар табақасига ўтди.

Совет ҳукумати кредит маблағларининг камбағал-ўртаҳол деҳқон хўжаликларига иқтисодий ёрдамини англаган ҳолда босқичма-босқич кредит фоизларини арзонлаштириш ва уларни кооперациялар орқали фойдаланиш сиёсатини давом эттирди. 1925 йил охирида

¹ Ўша жойда.

² Вся кооперация СССР. – Москва: 1968. – С. 310.

³ Кўрсатилган асар. – Б. 334.

⁴ Советское народное хозяйство в 1921-1925 гг. – С. 477.

киска муддатли кредит ссудалари фоизлари 12 фоиздан 10 фоизга, узоқ муддатли кредит ссудалари фоизлари 8 фоиздан 6 фоизга камайтирилди.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, етказиб бериш функцияси билан бир қаторда ишлаб чиқариш сферасида деҳқонлар меҳнатини бирлаштириш функциясини ҳам бажарди. Дастлабки даврда қишлоқ хўжалик кооперациялари деҳқончилик ишлаб чиқаришининг нисбатан оддий тармоқларини (уруғчилик, боғдорчилик, чорвачилик, сутчилик ва бошқа) бирлаштирган эди. Кейинчилик, қишлоққа бирмунча мураккаб машиналарнинг кириб келиши билан уларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган кооперция тармоқлари ҳам вужудга кела бошлади. Техник хизмат кўрсатиш тизими машина прокат пунктлари ва ғалла тозалаш пунктлари орқали йўлга қўйила бошлади. Қишлоқ хўжалик кооперациясининг қуйи тизимларида 1925 йилга келиб қарийб 1 минг машина прокат ва 3 минг ғалла тозалаш пунктлари мавжуд эди¹. Бу билан бир вақтда машина кооперативлари тармоғи ҳам кенгайиб борди.

Қишлоқнинг ишлаб чиқариш кооперациялашувида мелиоратив кооперативлари ҳам муҳим роль ўйнади. Мелиорация кооперациясининг ривожланишига РСФСР ХКСнинг 1921 йил 3 августдаги “Мелиоратив ҳамкорликлар тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос вазифасини бажарди. 1925 йил охирида мамлакатда 273,6 минг хўжаликни бирлаштирган 3852 та мелиорация кооперативлари фаолият кўрсата бошлади.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати кооперация олдида қишлоқнинг камбағал-ўртаҳол деҳқонлар оммасини бирлаштириш вазифасини ҳам қўйди. Айнан шу қатлам кооперациялар теварагида жипслашиб жамият ишлаб чиқаришини янги формаларини юқори даражага олиб чиқиши лозим эди. Бироқ, ушбу вазифаларни бажариш жиддий тўсиқларга учради. Кооперациянинг бошланғич формалари қишлоқнинг товар ва пул муомаласи соҳасида ишлар эди. Шу боис, кооперацияларга ўз фаолиятлари бўйича бозор муносабатлари билан боғланган қишлоқнинг бадавлат қатламлари, хусусан қулоқ хўжаликлари ҳам аъзо бўлиб кирган эдилар. Камбағал хўжаликлар ўз оилалари эҳтиёжларини базўр қондирар, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори жуда оз эди. Камбағал хўжаликлар маҳсулот ишлаб чиқарувининг озлиги туфайли кооперацияларда қулоқ хўжаликлари бу борада етакчилик қилардилар.

Қишлоқнинг кооперациялашуви камбағал ва камқувватли деҳқон хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан ўзларини тиклаб олишида ҳам муҳим аҳамият касб этди. 1924-1925 йиллардаёқ кўплаб ерсиз деҳқонлар ерга эга бўлди, оз ерли деҳқонлар қўшимча ер билан таъминланди. Ёки, қишлоқ хўжалик кооперациялари камбағал хўжаликларни ишчи ҳайвонлари, чорва моллари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари билан таъминлашда ҳам катта хизмат кўрсатди. Умуман, 1926-1927 хўжалик йилига келганда кўплаб камбағал деҳқонлар ўртаҳол деҳқон даражасига кўтарилди.

Шу тариқа янги иқтисодий сиёсат шароитида қишлоқ хўжалик кооперацияси ички зиддиятлари асосида мураккаб жараёни вужудга келтирди. Бир томондан у иқтисодиётни кўтаришга асос бўлган бўлса, иккинчи бир томондан қишлоқда деҳқон хўжаликларининг анча қувватга кириб, бадавлатлашиб бориши олий партия раҳбарияти ичида уларга нисбатан тажовуз кайфиятини юзага келтирди. 1929 йл охирида партия раҳбариятининг қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтиши қишлоқ хўжалик кооперацияси тизимида ҳам барҳам берди.

¹ Советское народное хозяйство в 1921-1925 гг. – С. 301.

ХУЛОСА

1917-1991 йиллар Ўзбекистон тарихида сезиларли даражада мураккаб из қолдирди. Мустабид тузум 1917 йилги октябрь тўнтариши натижасида Туркистон ўлкасида ҳам ҳукмронликни ўрнатди. Айнан шу даврдан бошлаб ўлкамизда ҳам большевиклар ҳокимияти қарор топиб, 70 йил мобайнида уларнинг зўравонликка асосланган режими давом этди.

Октябрь тўнтарилишидан кейинги даврда Туркистон иқтисодиёти жуда ночор эди. Халқ хўжалиги тамоман издан чиққан, қишлоқ хўжалигига ҳаддан зиёд катта путур етган эди. Биринчи жаҳон урушининг асоратлари Туркистон ўлкаси иқтисодиётига ҳам ҳалокатли зарба берган эди. Бунинг устига, большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг зўравонлик билан сиёсат олиб боришига қарши халқ норозилигининг ортиб бориши, большевикларга қарши истиқлолчилик ҳаракатлари мавжуд мураккабликларни янада оширган эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалиги ниҳоятда қолоқ эди. Ерга ишлов бериш асбоб-анжомлари етишмас, техника воситалари деярли йўқ ҳисобида эди. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик ниҳоятда паст бўлиб, етиштирилган маҳсулот эҳтиёжни қопламас эди. Бу даврда шаҳарликларни озиқ-овқат билан таъминлаш кескин муаммога айланди.

Совет мамлакатаида 1921 йилда янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан эркин савдо-сотиққа, тадбиркорликка маълум шароит яратилганидан кейингина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳам ривожлана бошлади. НЭП шароитида Туркистонда, кейинчалик Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўсиб борди. Кооперативлар деҳқон хўжаликлари билан етиштириладиган маҳсулотни олдиндан контрактация қилар ва бу бўйича уларни маблағ билан таъминлар эди. Етиштирилган маҳсулот эркин нархларда шаҳарга кооперативлар орқали етказила бошлади.

Янги иқтисодий сиёсат даврида Ўзбекистонда бир қатор аграр ислохотлар амалга оширилди. Ерсиз ва кам ерли деҳқонлар маълум миқдорда ер билан таъминланди. Лекин бу ер таъминоти совет ҳукумати томонидан бошқа деҳқон хўжаликларида “ортиқча” деб ҳисобланган ерларини тортиб олиш ҳисобидан амалга оширилди. Лекин 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохоти Ўзбекистондаги ерсизлик муаммосини тўла ҳал қилмади. Ислохотдан кейин ҳам республикада ерсизлик ва кам ерлик сақланиб қолди. Ислохот давомида тортиб олинган ерлар ҳисобидан асосан колхоз ва совхозлар ташкил қилинган эди.

Янги иқтисодий сиёсат йилларида янги йўналишда ташкил этилган қишлоқ хўжалик кооперацияси тизими фаолияти қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан тикланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада ўсиб борди. Шу билан бирга кооперация тизими халқ хўжалигини тўғри ва оқилона тарзда ривожлантириш муаммоларини тўла ҳал қила олмади. Бунинг асосий сабаби кооперация тизимининг давлатлаштириш ҳаракатининг авж олиши ва унинг фаолияти партия назоратига олинishi билан боғлиқ эди.

Совет ҳукумати кооперация тизими орқали ҳам қишлоқ аҳолисининг турли ижтимоий қатламларига табақалаштирилган сиёсат олиб борди. Бунда қишлоқнинг нисбатан бақувват хўжаликлари – “бой-қулоқлар”га нисбатан иқтисодий чеклаш олиб борилди. Бундай хўжаликлар кооперативларга аъзо қилинмади, унинг имтиёзларидан чекланган миқдорда фойдаланди. Совет давлати кооперациялар орқали қишлоқ аҳолисига нисбатан айирмачилик сиёсатини олиб бориб, қишлоқнинг ижтимоий қатламлари ўртасида адоват кайфиятини юзага келтирди.

Қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор омилларидан бири ўша даврда кенг миқёсли аграр ислохотни авж олдиришдан иборат эди. Уни амалга оширишнинг зарурлигини вужудга келган муаммоларининг кескинлиги тақозо қиларди. Чунки, ўлкада хануз ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8

фоизни ташкил этарди¹. Бу даврда ўзбек қишлоғида камбағал деҳқонлар аҳолининг аксарият қисмини ташкил этарди. 1925 йилда ўртаҳол деҳқонлар кам ерли деҳқонларга нисбатан 2-3 барабар кам эди. 1926 йилда Зарафшон ва Фарғона областларида 52 фоиз хўжалик бир десятинадан ҳам оз ерга эга бўлган. Зарафшон области бўйича 2 десятинадан оз ерга эга бўлган хўжаликлар 54 фоизни, Тошкент ва Самарқанд областлари бўйича эса 42 фоиз хўжаликни ташкил қилган².

Ер масаласи билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг товарлик хусусиятини ошириш муаммоси ҳам кескин бўлиб турарди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, аграр ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, ишлаб чиқариш муносабатларида феодал-патриархал шакллариининг устунлиги иқтисодий ўсиш жараёнларига, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигининг ошишига тўсқинлик қиларди. Бу эса, аграр муносабатларни тубдан янгилаш, ер-сув ислохотини ўтказиш зарурияти етилганлигини англатарди. Барча ривожланган мамлакатлар ана шу босқични ўтганлар. Чунки биринчи бор «буржуа инқилоби» қўйган аграр вазифани ҳал қилмай туриб, чуқур бозор ислохотларини амалга оширишга йўл очиш мумкин эмасди. Ўзбек қишлоғидаги мулкый ер тенгсизлигини тугатиш учун йирик ер эгаларидан ерни давлат сотиб олиб уни ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тарқатиш маъқул бўлар эди. Бу тажриба Европа ва Америка давлатларида жуда ижобий натижаларга олиб келган эди. Афсуски, аввалбошданок большевиклар белгилаган аграр ислохотлар негизида чуқур назарий ва услубий хато ёндашувлар мавжуд эди.

Ҳокимият органлари аграр ислохотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, «капиталистик мамлакатлар»да деҳқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини остонаданок инкор этдилар. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг ҳаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўравонликни танладилар. Чунки янги иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» даври учун хос бўлган усулларни бирмунча юмшатган бўлсада, умумий стратегик йўл ўзгармасдан қолган эди.

Лекин Туркистонда аграр масала 1925 йилга келиб ҳам ўз кескинлигини сақлаб қолган эди. Умумий ҳолда ўлкадаги барча ерларнинг қарийб 30 фоизи шаҳар ва қишлоқ бойларининг қўлида тўпланиб қолган эди. Бу даврда ўзбек қишлоғида шаҳарлик бойлар ва қишлоқ қулоқларининг ерида маълум бир асоратли шартлар эвазига ишлайдиган чорикорлар ва ерсиз камбағал деҳқонлар (мардикорлар) жуда кўп эди.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини ярата бошлади. Хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва деҳқон-фермер хўжаликлари эркин фаолиятига катта имкониятлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, 1921-1929 йилларда мамлакатда қарор топган бозор муносабатлари бугун яна амал қилмоқда. Бироқ ўтмишга бундай “қайтиш” назарий жиҳатдан пухта ўйланган, чунки “тоталитар” тизим вайрон бўлаётган даврда собиқ иттифокдош республикалар ўрнида тузилган мустақил давлатларда иқтисодий қурилишлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга¹.

Бугунги кунда республикаимиз ўз тараққиётини мустақил ўзи белгилаш ҳукуқини қўлга киритган шароитда аграр ислохотларни самарали олиб борилаётганини эътиборга олган ҳолда ушбу магистрлик диссертациясида ўрганилган мавзу натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда.

- Мустақиллик йилларида совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда амалга оширилган аграр ўзгартиришлар тарихини ҳолисона ва ҳаққоний ўрганиш борасида

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: “Фан”, 1992. – С. 84.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 184.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т., “Ўзбекистон”, 1993. 5-бет.

салмоқли ишлар амалга оширилганини эътиборга олган ҳолда, республикада 1921-1929 йилларда амалда бўлган янги иқтисодий сиёсат тарихини, унинг зиддиятли масалаларини янада чуқурроқ, кенгроқ, ҳар тарафлама ўрганиш, тадқиқ этиш лозим.

- Мавзу бўйича ҳалигача фойдаланилмаган, илмий муомалага киритилмаган архив ҳужжатларини тадқиқ этиш, ҳужжатлар тўпламларини бугунги кун талаблари даражасида нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

- Советлар ҳукмронлиги даврида фаолият олиб борган қишлоқ хўжалик кооперативлари моҳиятини тўла англаб етган ҳолда унинг мавжуд камчилик ва нуқсонларини бартараф этган ҳолда ижобий жиҳатларини бугунги аграр ислохотлар жараёнига тадбиқ этиш ва бу орқали деҳқон-фермер хўжаликлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

- Ўзбекистонда амалда бўлган янги иқтисодий сиёсат ва унинг натижалари тарихини умумлаштирувчи монографиялар тайёрлаш, бу мавзу бўйича илмий-назарий конференциялар ташкил этиш лозим.

- Ушбу магистрлик диссертациясида тадқиқ этилган мавзу юзасидан алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаганлигидан келиб чиқиб, уни докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Президент И.А. Каримов асарлари.

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
- I.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
- I.3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
- I.4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
- I.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
- I.6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998.
- I.7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
- I.8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
- I.9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

II. Нашр қилинган манбалар, архив ҳужжатлари тўпламлари

- II.1. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.). Сборник документов. – Т.: Изд. АН УзССР, 1962.
- II.2. Подготовка условий сплошной коллективизации в Узбекистане (1927-1929 гг.) Сборник документов. – Т.: Изд. АН УзССР, 1961.
- II.3. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления коммунистической партии и Советского правительства. 1927-1935. Изд. АН СССР. – М.: 1957.
- II. 4. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Т.1. – М.: 1967.
- II.5. Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. Том 1. – М.: 1957.
- II.4. Трагедия среднеазиатского кшшлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Т. I. / Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под. ред. Д.А.Алимовой. – Т.: “Шарқ”, 2006.

III. Адабиётлар

1. Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. (1917-1920 гг.). – Ташкент: 1963.
2. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: 1965.
3. Булатов И.Г. Кооперация и ее роль в подготовке сплошной коллективизации. – М.: 1960.
4. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: «Фан», 1992.
5. Голованов А.А, Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX-первой трети XX вв. – Самарканд: 2007.
6. Голиков В.А. Важнейший этап развития сельскохозяйственной кооперации в СССР, 1921-1929. – М.: 1963.
7. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1950.
8. Данилов В.П. Советская доколхозная деревня: социальная структура, социальные отношения. – М.: 1969.
9. Данилов В.П. Социально-экономические отношения в советской деревне накануне коллективизации. – М.: 1982.

10. Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.) – Т.: «Фан», 1969.
11. История крестьянства СССР. История Советского крестьянства. Т. 1-2. – М.: «Наука», 1986.
12. История народного хозяйства Узбекистана. Т.1 – Т.: Изд. Ан УзССР, 1962.
13. Месяцев П.А. Аграрная политика в Советской России. – М.: “Просвещение”, 1986.
14. Морозов Л.Ф. От кооперации буржуазной к кооперации социалистической: из истории становления советской кооперации. – М.: 1969.
15. На путях к обобществлению сельского хозяйства. – М.; Л.: 1959.
16. Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937.) – Т.: Госиздат УзССР, 1960.
17. Погудин В.И. Партия и кооперация. – М.: 1978.
18. Проблемы аграрной истории советского общества. – М.: 1985.
19. Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи. 1927-1924. –Т.: “Университет”, 2004.
20. Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар) – Т.: “Шарқ”, 2012.
21. Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистане за 40 лет. – Т.: Госиздат УзССР, 1957.
22. Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.) – Т.: “Узбекистан”, 1967.
23. Саидалиев СС. Борьба за осуществления ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1958.
24. Сеть сельскохозяйственной кооперации СССР: Сб. стат. материалов. – М.: 1959.
25. Товарооборот сельскохозяйственной кооперации: Сб. стат. материалов. – М.: 1960.
26. Трапезников С.П. Исторический опыт КПСС в социалистическом преобразовании сельского хозяйства. – М.: 1980.
27. Трапезников С.П. Исторический опыт КПСС в осуществлении ленинского кооперативного плана. – М.: «Мысль», 1984.
28. Трифонов И.Я. Классы и классовая борьба в СССР в начале НЭПа, 1921-1923. – Л.: 1964.
29. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: 1998.
30. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. – Т.: “Шарқ”, 2003.
31. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаи: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида) – Т.: “Шарқ”, 2003.
32. Шамсутдинов Р. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. –Андижон: 1991.
33. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Т.: “Шарқ”, 2001.
34. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Тузувчилар М.Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камалов ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, 2000.
35. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. – Т.: “Фан”, 1971.
36. Яковцевский В.Н. Аграрны отношения в СССР в период строительства социализма. – М.: 1964.
37. Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994.

